

## КИРИШ

Одатда ҳар бир халқнинг, миллатнинг ўзига хослигини намоён этадиган, алоҳида ажралиб турадиган қирралари бўлади. Ана шу қирралар ва бўртиб кўринадиган жиҳатларига қараб у ёки бу миллат, халққа баҳо берилади. Таъбир жоиз бўлса, ҳар бир халқ ёки миллатнинг ўзига хос томонларини айниқса, қадимий ёзма ва оғзаки манбалар батафсил ҳикоя қилиб беради. Дунёдаги қайси бир миллатнинг кимлигини, унинг нималарга қодир эканлигини билмоқчи бўлсангиз, унинг узок ва яқин тарихга доир бўлган китобларини варақланг. Керакли жавобни ана шундан топасиз.

Агар ўзбек халқи, Ўзбекистон тарихига чуқурроқ эътибор берсангиз, юзлаб ёзма манбаларни варақласангиз, бадиий ва илмий адабиётларни синчилаб ўргансангиз, оғиздан оғизга ўтиб келган халқ оғзаки ижодиётига назар ташласангиз, миллатимиз хаётида спортнинг нақадар катта хаётий аҳамиятга эга бўлганлигини аниқ-аён биламиз. Деярли барча ёзма ва оғзаки манбаларда куч-кувват, ботирлик, жасурлик, полvonлик билан боғлиқ далилларга, ривоятларга дуч келасиз. Куч-кувват,

ботирлик, жасорат пиравард натижада ватанпарварлик туйғуларига бориб уланади. Агарки инсон жисмонан буқувват, чайир бўлмаса, унда руҳан ҳам қувватли бўлиши қийин. Ана шу иккала қувват бир нуқтада жам бўлгандағина катта ишларни қилишга қурбли бўлади.

Дунёга келиш тарихи минг йилликларга бориб тақаладиган «Алпомиш» достони узоқ тарихга эга бўлган халқимиз, миллатимизнинг жасорати, ботирлиги ва паҳлавонлигидан ҳикоя қилувчи атиги бир бобдир. Айтадиларки, шамол бўлмаса, дарахтнинг учи қимирламайди. Агар халқимиз азал-азалдан паҳлавон бўлмаганида эди, агар миллатимиз қадимул айёмдан бери спортга меҳри баланд бўлмаганида эди, «Алпомиш»дек буюк достон дунёга келмаган бўлур эди. Агар халқ, миллат буюк бўлмаса, у холда ундан буюк достон ҳам дунёга келмайди. Ана шундан хулоса қилиш мумкинки, «Алпомиш» достони қадим-қадимдан касби паҳлавонлик, қисмати баҳодирлик, жасорат бўлган халқ, миллатнинг унутилмас қўшиғидир.

«Алпомиш» достонини диққат билан ўқисангиз, паҳлавон Алпомишнинг аёли Ойбарчин, синглиси +алдирғочнинг ҳар бир ҳатти-ҳаракатида, гап-сўзларида жасорат, ёвкурлик,

ватанпарварлик балқиб, жўш уриб турганлигига гувоҳ бўласиз. Таъбир жоиз бўлса, Алпомишнинг душманга юракли, ишга қувватли, билакли бўлишида катта қалб эгаси, жасоратли аёл Ойбарчиннинг ҳиссаси ниҳоятда каттадир. Агар Ойбарчин алп келбатли, алп юракли бўлмаса эди, агар Ойбарчин жисмоний ва руҳий қувват соҳибаси, жасур ва паҳлавон халқнинг, миллатнинг вакиласи бўлмаганида эди, Алпомишнинг ҳам душман чохидан кутилиб кетиши, ғанимларини бирма-бир енгиб чиқиши мушкул бўлур эди. Гарчанд бу асар бироз муболағаларга, бадиий тўқималарга қоришган манбадир. Бироқ, ҳар қандай афсона ёки тўқиманинг замираida ҳам у ёки бу даража ҳақиқат ётади. Айниқса «Алпомиш» каби ўлмас ва улуғ халқ достонида ҳаётий ҳақиқатларнинг кўп эканлигига шубҳа йўқ. Таъбир жоиз бўлса, буюк халқнинг, жасур миллатнинг қалбидангина «Алпомиш» каби жаҳоншумул ва умрбоқий достон дунёга келиши мумкин.

Биз бу ўринда айтмоқчи бўлган асосий гаплардан бири шуки «Алпомиш» достони жасур ва паҳлавон момоларимизнинг тимсоли, шаклу шамойили, табиати, руҳияти, дунёқараши, у ёки бу даражада бўртиб кўзга ташланади. Мен айтмоқчиманки, ўтган неча асрлардаги ва бугунги замонамиздаги алп юракли, паҳлавон

келбатли хотин-қизларимизнинг руҳий, маънавий устозларидан бири ҳам Ойбарчин момомиз бўлади. Буни унутмаслик керак.

Ўзбек адабиётига, шеъриятига тамал тоши қўйган, дунёларга татигулик улуғ Алишер Навоий ижодиётини синчиклаб ўрганган, ўқиган олимлар, зиёлилар, муаррихлар шу нарсага қайта ва қайта икрор бўладиларки, бобомиз асарларида жисмоний, маънавий гўзалликнинг асосий манбаларидан бири жисмоний қувватда эканлиги алоҳида таъкидланади, уқтирилади. Бунга шоирнинг «Фарҳод ва Ширин» достони ёрқин ва рад этиб бўлмас далилдир. Шунчаки элпарвар ва маҳбубага ошиқ бўлишнинг ўзи мақсадга олиб бормаслигини достонда маҳорат билан тасвирланган Фарҳод тимсоли яққол кўрсатиб турибди. Сиз чин ошиқ бўлсангиз, асл элпарвар, ватанпарвар бўлсангиз, бироқ сизнинг йўлларингизда ғаним кўп бўлса, мушкул ишлар беҳисоб бўлса, шунчаки ният билан муддаонгизга эриша олмайсиз. Бунинг учун сиздан руҳий қувватдан ташқари жисмоний қувват, жасорат ҳам мўл бўлиши керак. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, чин ошиқда қувват етарли бўлмаса, кўзланган мақсадга эриша олмайди.

Алишнер Навоийнинг достонида қаҳрамон Фарҳод Шириннинг васлига етмоғи учун тоғ-тошлардан ариқ қазиб сув

олиб келмоғи лозим бўлади. Зотан тошларни кесиб, сувга йўл очмоқнинг ўзи бўладиган иш эмас. Халқ қаҳрамони Фарходнинг вужудида ана шундай улкан куч-қувват ўзининг жамулжамини топганлиги учун ҳам ариқ қазиб, эл-юртга сув келтиради. Халқнинг олқишини олади, маҳбубасининг лутфи ва муҳаббатига сазовор бўлади.

Умуман олганда, кўхна адабиётимизда жисмоний куч-қувват, жасорат, событик алоҳида меҳр ва маҳорат билан талқин қилинади. Бу бежизга эмас. Лекин, чукурроқ разм солсангиз, ана шу содир қилинган барча жасорат, баҳодирликларнинг тагзаминида паҳлавон ва алп юракли момоларимизнинг улкан жасорати, қалби гупуриб турганлигини ҳис қиласиз. Оддий бир ҳакиқатга эътибор беринг: агар оналар, миллат оналари паҳлавон ва ботир бўлмасалар, у ҳолда ботир ва қўрқмас, айни пайтда кучли, алп келбатли ва алп юракли, паҳлавон ўғлонлар қаердан бино бўларди! Демоқчимизки, барча паҳлавон ўғлонларимизнинг қонида паҳлавон оналарининг қонлари оқиб турибди. Азалдан шундай бўлган, ҳозир ҳам шундай, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Мен халқимизнинг бир спортчиси сифатида, шунингдек, спорт соҳасидаги бир мутахассис – тадқиқотчи сифатида шу нарсани кўп кўриб, кузатганманки, барча паҳлавон ўғлонларнинг, қизларнинг оналари жисмонан ва руҳан кучли, жасоратли эканликларига такрор ва такрор ишонч ҳосил қилганман. Ҳеч қачон вужуди, руҳияти заиф, нимжон оналардан паҳлавон фарзандлар дунёга келмайди. Демакки, паҳлавон, ёвқур ва паҳлавон, алп қоматли фарзандларимизнинг оналари, ҳайратомуз куч-куват соҳибалари бўлган хотин-қизларимизга то дунё бор экан, таҳсин айтмоғимиз лозим бўлади.

Афсонавий Алпомиш бобомиздан тортиб токи бугунги кунда дунёning кураш майдонларини ларзага колаётган Абдулла Тангриевнинг оналари ҳам паҳлавон аёллардир. Буни тан олмок, алоҳида эътироф этмоқ лозим бўлади. Ёзиг қолдирилган ўнлаб китоблар, токи шу кунгача олиб борилган, олиб борилаётган изланишлар, тадқиқотлар шуни исбот этмоқдаки, ўзбек оналари асли паҳлавондир, асли пишиқдир. Агар паҳлавон оналар бўлмасалар эди, бугун ўзбек кураши дунёга довруқ таратмас эди. Агар ўзбек оналари фарзандларининг ботир, қўрқмас, алп юракли ва кучли бўлишлари учун тилак қилмаганларида эди, шу йўлда

собитлик билан ҳаракат қилмаганларида эди, парваришни жойига кўймаганларида эди, бугунги ўзбек курашининг довруғи ҳақида гап ҳам бўлмас эди.

Агар эътибор берсангиз, ўзбек оналари ўз фарзандларини ҳали бешикдалик пайтидаёқ «Полвоним» деб, «Ботирим» деб эркаладилар. Фарзандларининг элга ардоқли, суюкли ва довюрак бўлишини жуда-жуда истайдилар. Бу ердаги чиройли бир ҳаракатни қарангки, оналаримиз гўдакларини қадим-қадимдан бери «Моли кўп бўлсин, ҳамёни тўла бўлсин!» деб эмас, балки полвон, ботир, қўрқмас бўлсин деб суюб келадилар, тилак қиласидилар. Айтадиларки, ниятга ҳам кўп нарса боғлиқдир. Оналаримизнинг ниятларига кўра элимиизда пахлавонлар кўп.

Бугун спорт жабҳасида ўзбек хотин-қизларининг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш жоиз. Полвон хотин-қизларимизнинг сафи тобора кенгайиб бораётганлигини бугун барчамиз кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз. Ўтказилаётган турли мусобақаларда улар катта муваффақиятларга эришмоқдалар.

Деярли барча спорт турларида хотин-қизларимиз фаол иштирок этмоқдалар. Теннис, чавандозлик, каратэ, миллий куаш, сувда сузиш, югуриш, енгил атлетика, шахмат-шашка ва бошқа

қатор спорт турлари бўйича ўзбек спортчи хотин-қизларининг алоҳида ўрни, мавқеи борлигини эътироф этиш керак. Бир сўз билан айтадиган бўлсақ, мустақил Ўзбекистон спортининг бугунги ривожини, довруғини спортчи ўзбек хотин-қизларининг иштирокисиз асло тасаввур этиб бўлмайди.

## **КУРАШНИНГ ТАРИХИЙ ТАРА+ +ИЁТ ЙЎЛИ**

(Тарихда паҳлавон хотин-қизлар)

Шуни айтиш жоизки, ўзбек миллий курашининг тарихи неча минг йилликларга бориб тақалади. Бошқача айтганда, унинг илдизлари олис тарих қаъридан бориб сув ичади. Миллий курашимиз асрлар оша сайқал топди, такомиллашди. Миллий кураш миллатимизнинг тимсоли, жисмоний камолоти тимсоли ўлароқ олис мозийдан бери доврук солиб келаётир. Айтиш мумкинки, Ватанимиз мустақиллиги йилларида бу доврук, шухрат янада ошди, ҳаётимиздан чуқурроқ ўрин олди.

Ҳалқ оғзаки ижодиётига мансуб бўлган «Алпомиш», «+ирқ қиз», «Кунтуғмиш», «Ёдгор», «Авазхон», «Тўмарис», «Гўрўғли», «Рустам» ва бошқа ўнлаб достонларда, минглаб терма ва лапарларда жисмоний баркамоллик, жасорат алоҳида ўрин

тутади. +адим Шарқ адабиётининг улкан намоёндаси Абулқосим Фирдавсий ҳазратларининг «Шоҳнома»си жисмоний куч-қувват, жасорат, элпарварликка қўйилган безавол ҳайкалдир. Буюк бобокалонимиз Абу Али ибн Синонинг «Тиб қонун»лари китобида, сохибқирон Амир Темурнинг «Темур тузуклари»да, қолаверса, ҳазрат Алишер Навоийнинг аксарият асарларида инсоннинг жисмоний куч-қуввати, жасоратига алоҳида аҳамият бериладики, бу бекорга эмас.

Бизга мерос бўлиб қолган деярли барча асарларда қаҳрамонларнинг полвонлиги, эпчиллиги, чидамлилиги, мерганлиги, чақонлиги ва бошқа қатор сифатлари алоҳида маҳорат ва меҳр билан тавсифланади, куйланади. Бу асарларда инсоннинг камолоти жисмоний баркамоллик билан тўкис эканлиги уқтирилади. Инсон токи жисмонан баркамол бўлмас экан, у ҳолда мукаммал бўла олмайди. +ачонки, руҳий ва жисмоний куч-қувват бир нуқтада жам бўлсагина, қачонки, инсон шу юксакликни забт эта олсагина, яшашида, умрида теран мазмун ҳосил бўлади. Агар тарихий далилларга, манбаларга эътибор берадиган бўлсак, қадимги юнонларда инсоннинг жисмоний камолотига алоҳида эътибор қаратилганлигига ишонч ҳосил

қиламиз. +адимги юнонлар ўз фарзандларини ҳали гўдаклигиданоқ жисмоний комиллик сари йўллаганлар. Умуман дунё тарихига назар ташласангиз, инсоният ҳётида жисмоний тарбия, спорт ишлари дастлабки ўринлардан бирида турганлигини биласиз. +адимда шундай эди, ҳозир ҳам шундай. Инсон яшаркан, у жисмоний камолот сари ҳамиша интилаверади. Бу йўлда у қандайдир муваффақиятларга ҳам эришади. Зеро, тирикликтининг мазмуни ҳам шундадир.

Бизнинг-ча, гап спорт, жисмоний тарбия тарихи ҳақида бораркан, бир нарсага жиддий аҳамият беришга тўғри келади. +адимул айёмдан токи шу кунларгача спорт, жисмоний тарбия фақат эркакларнинг, яъни кучли жинснинг иши, машғулоти дея қаралмаган. Агар шундай қаралганда эди, бу бошдан адоги хато, чалкашлик бўлур эди. Эсингиздами, бир ривоятда келтирилишича, подшо бир аёлга ўзининг мерганлиги, абжирлиги билан мақтанади. Шунда у аёл бундай жавоб қиласди:

- Шоҳим, барчаси машқ билан амалга ошадиган ишлардир.

Бундай жавоб шоҳга маъқул тушмайди. У аёлдан мақтов, ўз шаънига таъриф-у тавсифлар эшитмоқчи эди.

Орадан бир неча йил ўтади. Подшо ўз одамларидан бир аёлнинг тўрт яшар хўкизини ҳар куни баланд бир жойга кандасиз кўтариб чиқиши ҳақидаги маҳобатли гапни эшитиб қолади. «Ўзи заифа киши бўлса-ю, қандай қилиб тўрт яшар хўкизни иккинчи қаватга кўтариб чиқаркан? Ёлғон, муболаға ҳам эви билан-да!» деган хаёлга боради. Бироқ қизиқиши устунлик қилиб йўлга тушади. Подшо ўз аъёнлари билан айтилган жойга борганида тўрт яшар хўкизни бир аёлнинг баландга кўтариб чиқаётганлиги устидан чиқиб қолади. Бу кўргани уни ҳайратга солади. Шунда беихтиёр аёлга савол беришдан ўзини тия олмайди:

- Ҳаттоқи унча-мунча эркак кишилар ҳам кўтара олмайдиган бундай катта хўкизни қандай қилиб кўтарасан? Сендаги бу куч қаёқдан бино бўлган?

Аёл подшога юзланиб шундай жавоб қиласди:

- Шоҳим, бундан тўрт йил аввал сизга айтган гапларим ёдингиздами? Ўшанда сиз менинг жавобимдан ранжиган эдингиз. Ҳамма иш машқ билан ҳосил бўлади. Мен ҳам бу хўкизни бузоқлик пайтидаёқ кўтариб ўргангандан эдим. Бу ишимни ҳар куни, қишин-ёзин канда қилмадим. Уни ҳозир ҳам баландга кўтариб, тушириш мен учун қийин эмас.

Подшо аёлнинг ишидан ҳам, жавобидан ҳам қониқиш ҳосил қиласди, унинг ақли, фаросатига ва сабр тоқатига астайдил тан беради.

Бу бир ривоят, бироқ унинг тагзаминида улкан ҳақиқат яшириндир. Бу ривоят иккита нарсага ишора қиласди. Биринчиси, инсон астодил машқ билан ҳаракат қилса, эришмайдиган нарсаси йўқ. Иккинчи бир ишора шуки, агар қаттиқ киришса, айрим аёллар эркаклар амалга ошириши мушкул бўлган юмушларни-да бажара олади. Жисмоний куч-кувватга эришиш бобида хотин-қизлар керак бўлса, эркаклардан асло қолишмайдилар.

Масаланинг иккинчи бир томонига ҳам диққатни қаратмоқ лозим. Ҳеч маҳал, ҳеч бир замонда нимжон, руҳан ва жисмонан заиф аёлдан паҳлавон, баркамол фарзанд дунёга келмаган, келмайди ҳам. Чин дилдан икрор бўлинг ва тан олингки, барча чемпионларнинг, барча паҳлавонларнинг, барча чавандозларнинг оналари алп келбатли, алп юракли аёллардир. Буни бошқача айтиб бўлмайди. Менимча, гап спорт, жисмоний тарбия, довюраклик, хотин-қизлар спорти ҳақида бораркан, учинчи бир жиҳатга ҳам тўхталиб ўтмоқ керак. Демоқчимизки, Ватан мудофааси учун ҳам, оғир-енгил кунлар учун ҳам, халқнинг

мушкулини осон этмоқ учун ҳам истайсизми-йўқми, тан оласизми-йўқми, жисмоний куч-қувват, тетиклик, чақонлик каби сифатлар ҳам жуда-жуда керак бўлади.

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистоннинг олис ва яқин тарихига назар ташласангиз, жасур ва ёвқур момоларимиз хақидаги тоабад ўчмас саҳифаларни ўқишингиз, қайта ва қайта ҳайратга тушишингиз мумкин.

Чунки, Ватанимиз тарихи фавқулодда ҳайратомуз воқеаларга жуда бойдир. Тарих саҳифаларида ўчмас ҳарфлар билан рақам қилинган массагетлар қабиласи хақида, унинг жасорати, ватанпарварлиги хақида эшитмаган, ўқимаган одам кам бўлса керак. Хусусан, мазкур қабиланинг ҳукмдори бўлмиш Тўмариснинг номи афсоналарга чўлғангандир. Агар ўқиган ёхуд эшитган бўлсангиз, ёвқур Тўмарис момомиз қўмондонлигидаги ҳарбийлар ғоятда шафқатсиз жангда Эрон шоҳи Кирни ўлдиради ва ғолиблик байроғини қадайди. Бу воқеа наинки бутун Осиёда, балки Европанинг узоқ-яқин мамлакатларида ҳам мислсиз шовшувга сабаб бўлади.

Кўхна дунёning каттагина қисмини ишғол этган ва миллионлаб одамларнинг юрагига ғулғула, қурқув солган

Искандар Зулқарнайн ҳам Тўмарис ҳакида эшигтан, унинг жасоратини билган эди. Гарчанд у Марказий Осиёning каттагина қисмини босиб олган бўлса-да, бироқ Амударё яқинида ўрнашган-аёллар хукмронлигига бўлган мамлакатга ҳужум қилишга юраги дов бермади. Давлатни бошқараётган Тўмарис раҳбарлигидаги аёллар ўзларининг ҳайратомуз жасоратлари, ёвқурликлари билан теварак-атрофга довруқ таратиб турадилар.

Кўхна дунё тарихчиларининг бизга ёзиб қолдиришларича, хотин-қизларнинг жамиятдаги дадил ва фаол иштироки бизга бир қадар яқин бўлган Хитой, Эрон, Хиндистон каби мамлакатларда кам кўзга ташланади. Бироқ бу ҳолат айниқса туркий халқларда тез-тез учрайди. Таниқли турк олими, тарих фанлари доктори Баҳриё Учоқнинг «Мусулмон мамлакатларида хукмрон хотин-қизлар» деб номланган китобида ўрта асрда мусулмон мамлакатларида хукмронлик қилган ўттизга яқин аёлларнинг, жасур, зукко ва катта салоҳият сохибалари бўлган хотин-қизларнинг ҳаёти, сиёsat, ҳарб илмдаги фаолияти атрофлича тадқиқ қилинади.

Мозийдан қолган манбалар туркий халқлар аёлларининг мамлакатлар тарихидаги катта нуфузи, мавқеини алоҳида

таъкидлайди. Манбалардан маълум бўладики, йигирма нафардан ортиқ хукмрон хотин-қизлар ҳоқон ва хон, оталиқ сифатида сиёсатда фаоллик кўрсатадилар, давлатни бошқаришда иштирок этадилар. Хоразмшоҳлар ҳамда салжуқийлар, кейинчалик эса тарих саҳнасига кўтарилиган татар-мўғулларнинг хотин-қизлари ҳам давлат тепасига чикқанлар. Бир неча асрлар мобайнида Туркон Хотун лақаби билан бир қатор аёллар хукмронлик қилишган.

Энасой дарёси ва Иссиққўл атрофида милоднинг VI асрида Бумин ва Истамихонларнинг қудратли давлати вужудга келади. Бироқ кўпдан кўп хужумлар, ташқи хуружлар уни заифлаштиради. VIII асрнинг бошларида Моғилиён (Билка ҳоқон) ўз укаси +уллуғ Тегин (Култегин) билан қаттиқ ҳамкорликда тарихий халқлар давлатини тиклайди. Нихоят, кучли ҳоқонлик вужудга келади. 732 йилда Култегин оламдан ўтади. Унинг амалга ошириб кетган ишларини акаси Моғилиён тилидан Енисей дарёси бўйидаги тошларга ўйиб ёзадилар. Нафақат тошларга, балки Култегиннинг жасоратини, туркий халқлар тарихидаги жасоратини, ҳайратомуз ишларини қалбларга ҳам ўйиб ёзадилар. Дарвоқе, тошларга ўйиб

ёзилган битикларда туркий халқлар давлатини барпо этишда Туркон Хотуннинг катта ишлар қилғанлиги алоҳида таъкидланади.

Адабиётшунос олим А.+аюмовнинг «+адимият обидалари» номли китобида шундай сатрлар бор: «... Бир тўртликда аниқ шахс оти ҳам учрайди. Лирик қаҳрамон Туркон Хотун деган аёлга шеър йўллаб, унинг ҳар бир ишини бажаришга тайёр эканлигидан дарак етказади:

*Туркон Хотин қошига*

*Мендун еткур шеър.*

*Хизматга ходимингиз*

*Рост, деб паём бер.*

Бу тўртлик, эҳтимол, севги мавзуусидаги шеърларнинг ёзилиш сабабларини аниқлашга йўл очар...»

+ўхна Самарқанд, Бухоро, Хоразмда ҳукмрон бўлган давлатлар сиёсатида ҳам туркий аёлларнинг номлари тарихда алоҳида ёзиб қолдирилгандир. Айниқса салжуқийлардан +утлуғхон ва унинг қизи Туркон Хотун ҳукмронлик қилган 1220-1303 йиллардаги тарихий воқеалар эътиборни ўзига тортади. 1222 йилда қорахонийлардан Барак Ҳожиб Кермон ва Сеистонни

эгаллаб, ислом динини қабул қилди ва +утлуғ Султон номини олди. Хоразмшоҳнинг ўғли Жалолиддин Мангуберди +утлуғ Султоннинг қизига уйланди. Чингизхон Хоразмни босиб олгандан сўнг +утлуғ Султон ва яна бир қизи Севинч Турконни Чингизхоннинг ўғли Чифатойга берди ва +утлуғхон унвонини олди. Шу ўринда бир далилга эътиборни қаратиш лозим кўринади. +утлуғхон вафотидан аввал ёш ва айни чоғда касалманд якка-ю ягона ўғлини валиаҳд қилмасдан, қизи Хон Турконнинг эри +утбиддинни валиаҳд этиб тайинлайди. Тарихнавис Мирхонднинг хабар беришича, +утбиддиннинг давлат фаолиятидаги зафарлари унинг аёли Хон Туркон сабабидан эди.

Тарих сахифаларидан яна шу нарча ҳам аён бўладики, туркий хотин-қизлар уй-рўзғор юмушларида ҳам, сиёsat ва ҳарб илмида ҳам бирдек маҳоратли бўлишган. Уларнинг шафқатсиз жангларда душманга қарши тик борганликлари, эркакларни юрт, она тупрок, осудалик учун курашда қўрқмасликка даъват эта олганлар. Улар эркаклар учун наинки суюкли бека, маҳбуба, аёл бўлишган, балки улуғ ишларида илҳом манбаи, тиргак ҳам бўлишган. Муаррихларнинг ёзиб қолдиришларича, туркий хотин-

қизлар ҳаттоғи жанг-жадалларда ҳам ўзларининг аёл эканликларини унтишмаган. Яъни аёлларга хос ўлмас назокатни бус-бутун сақлай олишган. Ёзма ва тарихий манбалар барибир ҳам киши диққатини ўзига жалб этади. Агар Марказий Осиё халқарининг оғзаки ижодиётига синчиклаб назар ташласангиз, уларда хотин-қизларнинг сулувлиги, нафосати, рузғорпарварлиги, болапарварлиги билан бир қаторда фавқулодда зукколиклари, қўрқмасликлари ва жисмоний куч-кувват сохибалари эканликлари ҳам таърифланади, куйланади.

Масалан, +арлиға, Ойбарчин, +оникей, +орабўрк, Оқилой, Озода, Чехра, Ойсулув, Маликаи Айёр, Тўмарис, Баянсулув, Гулнор пари, Юнус пари, Орзигул, Гулойим сингари ўнлаб хотин-қизларнинг тимсоли бекорга келтирилмаган. Зеро, йўқ нарсадан гап айтиш жуда қийин. Демоқчимизки, ҳар қандай ривоят, афсона, достон ёки лапарнинг тагзаминида ҳам у ёки бу даражада ҳаёт ҳақиқати бор. Бўлмаслиги эса мумкин ҳам эмас.

Тарих сахифаларини варақлаганимизда, темурийлар салтанатида сарой хотин-қизларининг давлат ишларида нақадар катта ўрин тутганликларига ишонч ҳосил қиласиз. Соҳибқирон Амир Темурнинг аёли Бибихонимнинг ақл-идроқи, салоҳияти

ҳақидаги битиклар, эл оғзидаги ривоятлар дунё тургунча яшайди. Дарвоқе, Мирзо Улуғбек замонида ҳам хотин-қизларнинг ўрни, аҳамияти юксак бўлган. Шоир ва шоҳ, улуғ тарихнавис Захириддин Муҳаммад Бобур ўзининг «Бобурнома» китобида шундай ёзади: **«Ҳожи +ози ва +осим +авчин ва Али Дўст тағойи ва Узун Ҳасан ва яна баъзи давлатхоҳлар менинг улуғ онам Эсан Давлатбегимнинг қошида йиғилиб, сўзни бир ерга қўйдиларким, Ҳасан Яъқубни масъул қилиб, фитнасига таскин берилгай. Хотунлар орасида раъй ва тадбирда меннинг улуғ онам Эсан Давлатбегимча кам бўлғай эрди, бисёр оқила ва мудаббира эди. Кўпроқ иш-куч аёлларнинг машварати била булур эди...»**

Биз туркий хотин-қизларнинг тарихдаги ўрни, амалга оширган ишлари ҳақидаги ўнлаб манбалар билан танишар эканмиз, асло ҳайратланишдан тўхтамаймиз. Улар инсонни улуғлайдиган барча жабҳаларда пешқадам бўлишган. Улар ўз заковатлари, жасоратлари, ақл ва идроклари билан ҳар қандай эркакни ҳам қойил қолдиришган. Агар эътибор берсангиз, бобурийлар салтанатида ҳам хотин-қизлар алоҳида ўрин тутганликларини аниқ-равshan кўрасиз. Масалан, Бобурнинг

опаси Хонзодабегим, қизи Гулбаданбегим, невараси Зебунинсо ва темурий маликалар илм ва одобда, сиёсат ва давлат ишларида, ҳарб илмида ҳам ўқтам, ибратли бўлишган. Айтайлик, биргина Гулбаданбегимнинг «Ҳумоюннома» асари кўхна Шарқ аёлларининг ақлу заковатига сўздан тикланган ўлмас ҳайкалдир, деб bemalol айтиш мумкин.

\* \* \*

Туркий халқлар тарихи билан жиддий шуғулланган В.А.Руднев шундай ёзади: «...*Тарихчиларнинг ҳикоя қилишларича, Мумтоз Бегим Шоҳ Жаҳоннинг тахтни эгаллаши учун бўлган курашларида фаол қатнашган. Шоҳ Жаҳоннинг хотини бўлгач, унинг бутун умр севимили рафиқаси ҳам бўлиб қолди. Шоҳ Жаҳон хотинини бағоят ҳурмат қиласар, унинг шарафига довруқли зиёфатлар уюштирас эди. Мумтоз Маҳалсиз бирорта ҳам дабдаба ёки қабул ўтказилмас эди. Давлат ишлари ҳақидаги сухбат ва мажлислар ҳам Мумтоз Маҳалсиз бўлмас, давлат ишларини бошқаришда ҳам у асосий ишларни бажарап, унинг фикрлари билан ҳисоблашардилар, унинг таклиф ва фикрларини бирон одам рад қила олмас ҳам эди».* Ўтмишдаги зукко одамлардан бири

«Маданиятнинг қай даражада эканлиги аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади», - деб айтган эди. Дарҳақиқат, шундай. Донишманднинг келтирилган ушбу гаплари шуни яна бир карра тасдиқлайдики, боболаримиз хотин-қизларга муносабат, муомалани ўрнига қўйишган ва пировардида бу билан ўз маданиятларини ҳам тўла намойиш этишган.

Ботир ва жасур эркаклар ўз-ўзидан бино бўлмайди. +исматга кўра, битилганига ва тақдирига кўра, ҳар ким эркак бўлиб туғилиши мумкин. Бироқ унинг чинакам эр йигит бўлиб, ҳар томонлама баркамол бўлиб вояга етиши бошқа гап. Агар ёдингизда бўлса, донолардан яна бири шундай деб ёзган эди: «+аердаки аёллар, қизлар қаттиқўл, талабчан бўлсалар, ўша ерда ўсмирлар ҳақиқий эркак бўлиб етишадилар». Кўхна тарихимизда бунга ўнлаб ва ҳаттоқи юзлаб мисоллар келтиришимиз мумкин.

Дунё тамаддунида катта ўрин тутган она халқимизнинг ўтган неча асрлик тарихи бизни қайта ва қайта мушоҳада қилишга, фикрлашга ва икрор бўлишга даъват этади. Боболаримизнинг чинакам эр бўлиб камол топишларида, ватани, манзил-у маконни ғанимлардан қаттиқ туриб муҳофаза этишларида,

курашчанликларида, ўз вужудларида жисмоний камолотни барпо этишларида момоларимизнинг ҳал қилувчи ўрни бўлганлигини тарихий мисоллар, манбалар бизга мудом эслатиб туради. Таъбир жоиз бўлса, момоларимиз ўзларининг чиройлари билан, дилларга ўт қаловчи нигоҳлари-кўзлари билан, топиб айтилган, доно ва қатъиятли сўзлари билан, даъватлари билан, жасоратлари билан ҳам боболаримизнинг юракли бўлишларига астойдил хизмат қилишган. Аввал тилга олганимиз Гулбаданбегим ҳам, Робия, Зебуннисо, Нозимахоним, Увайсий, Нодира, Маҳзуна, Муаззамхон, +амбарнисо, Бону каби машҳур шоиралар, беназир сўз усталарининг битиклари ҳам қай бир маънода боболаримизнинг ўқтам бўлиб камол топишлари учун хизмат этгандир. Уларнинг ёзган шеърлари, ёзиб қолдирган битиклари эркакларимизни мудом улуғ жасоратларга, буюк ишларга чорлаб турган.

Биз курашимиз тарихи ҳақида гап айтарканмиз, ҳар сафар ҳалқ оғзаки ижодиётига юз бурамиз. Бусиз мумкин ҳам эмас. Чунки ҳалқ оғзаки ижодиётида курашимиз тарихи билан боғлиқ воқеа-ходисалар чиройли ва унутилмас чизгиларда берилади. Гали келганда ўзимизнинг ўлмас ва унутилмас «Алпомиш»

достонини яна тилга олишга тұғри келади. Бу асарда садоқат, севги-мухаббат, асл туйғулар, дүстлик ва биродарлик, юртпарварлық каби қатор сифатлар билан биргалиқда инсоннинг куч-қуввати, жисмоний камолоти ҳам алоҳида тилга олиб үтилади. Зотан, жисмонан заиф инсондан буюк ватанпарвар ҳам, буюк ошиқ ҳам, садоқатли дүст ҳам чиқиши даргумон. «Алпомиш» достонидаги Ойбарчин ва +алдирғочойимнинг тимсоли момоларимизнинг буюк тимсоли хамдир. Улар гарчанд уруғ бошлиқларининг қыздары бўлсалар-да, меҳнат билан, ҳаёт мاشаққатлари билан камол топишган. Бойбўри анъанага кўра ўғли Ҳакимбекнинг саводи чиққанидан сўнг унга ҳарбий соҳадан билим бера бошлади. Айни бир пайтда Бойсари ҳам қизи Барчинойнинг ҳар томонлама камол топиши йўлида қўлидан келганча саъи ҳаракат қилишга тушади. Кенг даштларнинг оғир-енгил кунларига бардошли бўлиб ўсган, меҳнатда чиниккан, вужудида жисмоний қувват касб этган Барчиной қалмоқларнинг зўр-зўр полвонларини ҳам бир зарб билан йиқитар эди. Таъбир жоиз бўлса, ўзи аслан бақувват, руҳан кучли ва саботли бўлган Ойбарчин вақти-замони келиб Алпомиши ҳам ўз сўзлари, садоқати, чиройи ва ўтли сўзлари билан мислсиз жасоратларга

чорлайди. Агар Ойбарчиндек зукко, ёвқур, бир сўзли ва заковатли аёл бўлмаса эди, тариҳда Алпомишдек алп юракли, кўрқмас, ватанпарвар эркак ҳам шаклланмас эди. Бир воқеа иккинчи бир воқеани ривожлантиради. Барчиной туфайли Алпомиш мерганлик бобида ҳам, полвонлик бобида ҳам ҳайратомуз даражадаги зафарларга эришади.

Тўғри, асарда қўплаб муболағалар, бўртирмалар учрайди. Лекин бу афсоналар, ривоятлар, муболағалар замирида қандайдир маънода ҳақиқат ҳам борлигига ишонмоқ керак.

Кези келганда массагетларнинг машхур хукмдори бўлган Тўмарис ҳақида яна гап айтишга тўғри келади. Оддий бир аёл Тўмарис вақти етгач, элнинг катта ва унутилмас қаҳрамони даражасига кўтарилади. Ҳаёти, амалга оширган ишлари, жасорати қарийб афсоналарга айланиб кетган Тўмарис тариҳда мавжуд бўлган аёлдир. Эрамиздан аввалги 529 йилда Эрон шохи Кир (Кайхисрав) Марказий Осиёга бостириб киради. Бироқ катта ҳарбий салоҳиятга, куч-қувватга эга бўлган Кир ботир ва жасур аёл Тўмарис бошчилигидаги массагетлар томонидан ўлдирилади. Бу воқеа сабаб бўлиб Тўмарис қиссаси, афсонавий ривоят, ҳар қандай одамни ҳам тўлқинлантирадиган асар дунёга келади.

Ривоят қилишича, ахмонийлар подшоси Кир массагетларнинг ерига, мол-мулкига бир йўла эгалик қилиш, ҳукмронлик ўрнатиш мақсадида Тўмарисга совчи жўнатади. Лекин унинг шум ниятини аллақачон пайқаган зукко ва доно Тўмарис ҳеч бир қўрқмасдан рад жавобини беради. Шунда қора ниятли Кир қўшинини олиб йўлга тушади. У Амударёдан ўтмоқчи бўлиб турганида Тўмарис чопар жўнатади. Жасур Тўмарис чопар орқали ёвуз Кирга қуидаги гапларни айтади: «...**биз биламизки, сен тинчликни ҳоҳламайсан.** Шу сабабли башарти маслаҳатимизга кўнмай, массагетлар билан тўқнашишни истасанг, кўприк ясайман, деб овора бўлиб ўтиргагин. Бизга айтсанг, биз сенга халақит бермай, дарёдан уч кунлик йўлга кўчиб кетамиз, bemalol дарёдан ўтасан, ундан сўнг юзма-юз урушамиз. Борди-ю, агар биз билан дарёning сен турган кирғозида урушмоқчи бўлсанг, уни айт, биз бунга ҳам рози, фақат номардлик қилма!»

Бундай ривоят ёвуз ва катта қўшин билан бостириб кираётган душманга унча-мунча одам юрак ютиб, ботиниб айта олмайди. Зоро, Кир ўз даврининг нафақат ёвуз, маккор, балки кучли подшоси, массагетларнинг шафқатсиз душмани ҳам эди.

Тўмариснинг гапларидан буюк жасорат ва зakovat эгаси: ҳайратомуз қалб соҳибаси бўлган Шарқ аёлининг мардонавор руҳи яққол сезилиб турди.

Тўмарис Эрон шоҳи Кирнинг катта куч, ёвузлик, айёрлик эгаси бўлишини аниқ билса-да, бироқ чўчимайди. Аксинча, мамлакатидаги минглаб аёл ва эркакларни, қўшинни ватан озодлиги учун бўладиган шафқатсиз ва айни пайтда шарафли жангларга чорлайди. Бу чорлов, ўчмас даъват, юрак ҳайқириғи қўл остидаги минглаб одамлар каби қалбида акс садо беради.

Тўмарис уч кунлик йўлга бутун қабиласи билан кўчиб кетади. Бу билан у Кир қўшининг дарёдан бемалол ва бехавотир ўтиб олишига имконият яратиб беради. Бошқача айтадиган бўлсак, номард подшо қошида улуғ мардлик, жасорат намунасини кўрсатади. Яна бир нарсаки, туркий халқлар ҳарбий қонун-коидаларга ҳам ҳалоллик ва мардлик билан ёндошганлар.

Хуллас, икки ўртада аёвсиз ва шафқатсиз жанглар бошланади.

Жангнинг биринчи кунида Тўмариснинг ўғли Спарганиз бошлиқ қўшин катта ғалабага эришади. Бироқ Спарганиз йигитлари ғолиблиқ нашидасини суришга, айшу ишратга дарҳол машғул

бўладилар. Бу эса маккор Кир учун айни муддао эди. Бошқача айтганда, куюқ зиёфат ва тўкин дастурхон, мўл-кўл таомлар, ичимликлар Кир томонидан кўрилган тузоқлардан бири эди. Спарганиз ва унинг аскарлари маст-сарҳуш холатда Кир қўлига асир тушгани ҳақидаги шум хабарни эшигтан Тўмарис яна чопар жўнатади. Чопар Тўмариснинг қуийдаги гапларини Кирга етказади: «**Эй қонхўр Кир! +илган ишинг билан мақтанмай қўя кол! Сен меннинг ўғлимни юзма-юз жангда енгганинг йўқ, уни маккорлик билан шароб ичириб қўлга туширдинг. Энди менинг насиҳатимга кир, ўғлимни менга топшириб, келган ерингга зиён-захматсиз қайтиб кет. Агар сўзимга кирмасанг, массагетлар тангриси - +уёш номи билан қасамёд қиласанки, мен сендай очкўз хонни хонни қон билан суғораман».**

Бироқ бу гаплар ўз ниятидан қайтмаган Кирга кор қилмайди. Унда қаҳр-ғазабга келган Тўмарис отлик ва пиёда қўшинларини Кирнинг устига ўзи бошлаб боради. +уёш ловуллаб қиздирган сахрода шиддатли ва беаёв жанглар бошланади. Ривоят қилинадики, шафақ қизил рангга ғарқ бўлган бир паллада ер юзи ҳам лашкарларнинг жасадларига тўлиб кетади. Бу бўлиб ўтган қонли ва шафқатсиз жангнинг ҳосиласи эди. Жасур Тўмарис жанг

майдонидан Кирнинг калласини олдириб келиб, қон тўлдирган мешга ташлатди ва барчанинг олдида шундай деди: «**Эй номард!**

**Мен сени жангда ҳалоллик билан енгиб чиққан бир аёлни маккорлик билан ўғлидан жудо қилиб, фарзанд доғида куйдирдинг. Мен ўз онтимга амал қилиб, сени қон билан суғордим. Бироннинг юртига зўравонлик билан бостириб кирганларнинг жазоси шу!».**

Тўмариснинг бу гаплари тарихидаги жасур ва фавқулодда ватанпарвар, заковатли Шарқ аёлининг тимсолини янада тўлдиради, янада мукаммалаштиради. У наинки ҳар томонлама, яъни жисман ва руҳан чиройли, юртпарвар, балки меҳрибон она, болапарвар ҳамдир. Тўмарис катта ақл-идрок билан ёвуз Кирнинг асл мақсад-ниятини англаб етади. Ўзининг фикрига массагетларни ҳам ишонтиради. Ўзининг жасорати билан минглаб массагетларни ҳам жасоратга чорлайди, уларни мислсиз ва айни пайтда юрт озодлиги учун бўлган жангларга эргаштиради. Пировардида маккор ғаним устидан тарихий ғалабага ҳам эришади. Каспий денгизидан токи Сирдарёгача бўлган поёнсиз жойларда манзил топган массагетлар замини шу тариқа жасур ва тадбиркор аёл Тўмарис бошчилигида

ғанимларнинг хужумидан мудофаа қилинади. Шу тариқа Тўмариснинг номи, ҳаёти асрлар оша дилларга муҳрланади. Миллионлаб қалбларда унинг мислсиз жасорати акс садо беради.

Тарихий шарт-шароит тақозосига кўра, ҳалқнинг хоҳиши ва инон-ихтиёрига кўра Тўмарис элга бош бўлади. Чунки ўша даврдаги мураккаб вазият мамлакат бошида, борингки, қабила бошида ҳар томонлама баркамол, зукко, жасур инсоннинг бўлишини тақозо этарди. Ана шундай катта ва улуғ иш Тўмариснинг зиммасига тушди. У аёл боши билан зарур пайтларда минглаб эр йигитларни ортидан эргаштирди ва ҳайратомуз ғалабага эришди.

Айтганча, машҳур юон тарихчиси Геродот битикларида сақланиб қолган Тўмарис ҳақидаги лавҳаларнинг мазмuni ўзбек ҳалқ оғзаки ижодиётида ҳам ўзининг оҳори билан сақланиб қолгандир. Булбулсифат бахши - шоир Эргаш Жуманбулбул ўғли талқинидаги «Ойсулов» достонининг мазмuni айни Тўмарис ҳақидаги қисса-афсонавий воқеага жуда ўхшашлиги билан эътиборни ўзига тортади. Ойсулов ҳам худди Тўмарис каби жасур аёл, зукко ҳукмронлиги билан сахнада намоён бўлади. Достонда маҳорат билан тасвирланган Ойсулов ҳам худди Тўмарис сингари

ўз халқининг озодлиги, ватаннинг эркинлиги, мустақиллиги учун курашга чиқади.

Достонда тасвирланишича, Эрон шохи Доро Ойсулов бошлиқ қабила устига шафқатсиз ҳужум уюштиради. +үшин бошлиғи бўлган +айсар Ойсуловга ошиқ-у бекарор бўлдим, деб совчи жўнатади. Лекин Ойсувлув эронлик босқинчига хотин эмас, балки массагетларнинг ёри, мол-мулки кераклигини зукколик билан пайқайди ва рад жавобини беради. Рад жавобидан сўнгра икки ўртада беаёв жанглар бошланиб кетади. Ҳудди Тўмарис ҳақидаги ривоятда келтирилгани каби Ойсуловнинг ўғли Кунботир ҳам маккор душман қўлига асири тушади. Турган гапки, Ойсуловни ўғлининг қисмати изтиробга солади. Шунда +айсар ўртага шарт қўяди: «Агар менга тегсанг, ўғлингни озод қиласман». /анимнинг бу таклифига Ойсулов қақшатқич ҳужумлари билан жавоб беради. Ўз юртига ва азиз фарзандига, элига бўлган буюк муҳаббати Ойсуловни қаҳрамонликларга чорлайди. У ғанимлар устига қўшин тортиб, ўғлини ҳам, юртини ҳам маккор душман қўлидан халос қиласми.

Гарчанд Тўмарис ҳақидаги ҳикоя билан «Ойсулов» достонидаги воқеаларда бироз тафовут бўлса-да, бироқ моҳият,

муддао, мақсад биттадир. Агар керак бўлса, аёл кучлидир. Агар вазият тақозо этса, у ҳар қандай эркақдан ҳам қолишмайди. Ватан, юрт, ҳалқ озодлиги, эрки учун у жонини ҳам фидо қила олади. У ўз жасорати, саботи ва ёвқурлиги билан керак бўлса, улуғ мақсадлар йўлида минглаб эр йигитларни ҳам ортидан эргаштира олади. Афсоналарга қоришиб кетган ўнлаб ривоятларда ҳалқимизнинг қаҳрамон аёллари тимсоли ўлмас, ўчмас ва бағоят чиройли тасвиirlарда, ташбехларда бериладики, қойил қолмасликнинг ҳеч бир иложи йўқ. Бизнингча, момоларимиз, чиндан ҳам ботир ва жасур бўлганки, ана шу ривоятлар, достонлар, афсоналар бизгача етиб келган. Йўқ нарсадан ҳам гап айтиб бўладими? Йўқ нарсани ҳеч қачон зийнатлаб ҳам, илҳомланиб ҳам бўлмайди. Ҳалқимиз қалбида то хануз яшаб келаётган барча достонлар жасур ва ардоқлашга муносиб, лойик момоларимиз ҳақидаги ўлмас қўшиқлардир.

Айтиш жоизки, бизни ҳалқ даҳосининг бебаҳо маҳсули бўлган «Алпомиш» достони, унда келтирилган воқеалар, тафсилотлар барибир ҳам кишини лол қолдиради. Ўтган давр мобайнида бу асар кўплаб олимлар томонидан ўрганилган, тадқиқ этилган, таҳлил қилинган. Бир қатор ҳалқ оғзаки

ижодиётига мансуб асарларни тадқик этган В.М.Жирмунский ҳамда Ҳ.Т.Зарифовларнинг «Ўзбек халқ қаҳрамонлик эпослари» номли китобида Барчин, Юнус пари, Гулчехра, Гулихиромон, Орзугул ва бошқа халқ қаҳрамонларининг халқ бадиий ижодиётида келтирилиши, тасвирланиши бекорга эмаслиги ҳакида фикр юритилади. Жумладан, улар шундай ёзадилар «...Халқларнинг баҳодир қиз ҳақидаги анъанавий қадимиий илдизлари матриархарт даврининг реал турмуш муносабатлари билан боғлиқдир. Патриархал уруғчилик жамиятида, чорвачилик билан шуғулланувчи кўчманчилар ҳаётида нисбатан мустақил аҳволда бўлишлари, уларнинг дастлаб эркаклар билан баробар, кейинроқ айrim ҳолларда урушлар ва жангу жадалларда иштирок этишлари баҳодир қиз эпик образининг реал шарт-шароитлари ҳисобланади».

Шу ерда яна бир нарсани ҳам айтиш лозим. Мамлакатимиз ҳудудида олиб борилган кўп йиллик қазишмалар чоғида топилган осори-атиқалар ҳам олимларнинг ҳозиргина келтирилган фикрлари нақадар ҳақиқатга яқин ва уйқаш эканлигини исботлаб турибди. «Алпомиш» достонида тавсифланган баҳодир Алпомишнинг ўз севгилисини душман кўлидан халос этиш йўлида

намоён этган жасорати ва кўрсатган мислсиз қаҳрамонликлари  
Марказий Осиёда яшовчи аксарият халқлар томонидан куйлаб  
келинган.

Халқимизнинг ўлмас достони «Алпомиш» қаҳрамонларидан  
бири Барчиной тимсоли туркий халқларнинг бағоят мукаммал,  
оқила ва ҳар томонлама кучли аёли тимсоли сифатида ҳам  
ақлларни лол қолдиради. Бир ўринда Барчин қалмоқ  
паҳлавонларига қарата ўқтамлик билан шундай дея хайкиради:

***Эшиггин, қалмоқлар, айтган тилимдан,***

***Мени олиш келмас сеннинг қўлингдан.***

***Бадбахт полвон, қолма келган йўлингдан,***

***Мени олмоққа ҳаддинг борми, бадбахтлар?***

***Ўз йўлингга бора бергин, аҳмоқлар.***

Илм ахли орасида эътибори баланд Абулғозихоннинг  
«Шажараи тарокима» асарида уғуз элига беклик қилган мард ва  
жасур хотин-қизлар хусусида шундай сатрлар битилган:

***«Уғуз элина беклик қилган қизларнинг зикри:***

***Туркманнинг тарихини билатурғон яхшилари ва бахшилари  
айтиб туурлар: етти қиз барча уғуз элни оғзига бақтириб, кўп  
йиллар беклик қилдилар. Онларнинг бириси Олтун Гузаки,***

*Сундунбойнинг қизи ва Салор Козон алпнинг ҳалоли, бўйи узун бўлур эрди, иккинчиси, +ормишбойнинг қизи ва Момишбойнинг ҳалоли Барчин Салор эрди, анингки қабри Сир сувнинг ёқасида туур ва халққа машҳур туур. Ўзбек анга Барчиннинг кўк кошонаси дер, кошинкорли яхши гумбаз турар; ўзбек анга Барчиннинг кўк кошонаси дер, кошинкорли яхши гумбаз турар; учинчи, +айинбайнинг қизи ва Чавулдура Бол алпнинг ҳалоли Шаботи эрди. Тўртинчи +увондибойнинг қизи Биакан алпнинг ҳалоли Куний Кўркли эрди. Бешинчи, Тумоқбойнинг қизи Кўркин +ўноқнинг ҳалоли тақи бир Куний Кўркли эрди; олтинчи, алп Арслоннинг қизи Кестан +ора алпнинг ҳалоли Керча Булоди эрди; еттинчи, Киникбойнинг қизи Дўдалбойнинг ўғли Киймоқбекнинг ҳалоли Кўгодли эрди...»*

Эътибор бердингизми, бу бобда тарихнавис Барчиннинг машҳур Салор +озон сулоласидан эканини алоҳида таъкидлайди. Унинг қабри Сирдарё соҳилида бўлиб, «ўзбек халқи уни Барчиннинг кўк кошонаси» деб атаганларини ҳам ёzádi. Абулғозихон «кўккесана» ни нақшу нигорлар, топиб ишлатилган бўёқлар билан безатилган куббали иморат дея тавсифлайди.

Тарихчи В.М.Жирмунский эса бу гапларни янада мустатаҳкамлайди. У «Сирдаёрнинг қуи оқимида уғуз қабилаларининг излари» деб номланган мақоласида кўк кошонанинг вайрона расмини ҳам беради. Бу ёдгорликни илк бор суратга олган одам В. Каллаурдир.

Сирдарёдан +изилқумга томон оқкан дарёнинг излари борлигини тадқиқотчилар алоҳида қайд этишган. +ачонлардир куриган бу дарёни Барчиндарё деб атаган. Айни шу манзилда «Келин тепа», «Уғуз жилға», «+из қалъа», «Келин ариқ» сингари жойларнинг бўлганлиги ҳақида ҳам гаплар бор. Хўш, бу келтирилганларнинг барчаси нимадан далолат беради? Шундан далолат берадики, достон ва ривоятларда, лапар, термаларда Барчин тимсолининг халқ тарафидан маҳорат ва муҳаббат билан тасвирланишида маълум бир тарихий ҳақиқат ҳам бор экан. +ачонлардир яшаб ўтган ботир ва заковатли аёлнинг ибратли ҳаёти неча-неча асрларда ҳавас қиласи даражадаги аёл тимсоли сифатида ҳизмат қилган.

Жасур ва тадбиркор хотин-қизлар тимсоли «Гўрўғли» туркумига кирган достонларда ҳам кўп учрайди. Гўрўғлининг ҳарбий юришларида Оға Юнус парининг тимсоли эътиборга

молиқдир. «Чамбил қамали» воқеасида Оға Юнус пари зукко ва мохир лашкарбоши сифатида кўз ўнгингизда намоён бўлади. Гўрўғлиниң Ваянган тарафга ўз йигитлари билан кетганидан фойдаланган Райҳон Араб Чамбил юртига юриш қилишни кўнгилга тугади. Райҳон Арабнинг шум ниятидан хабардор бўлган Холжувон (Холжувон Гўрўғлиниң тоғаси Аҳмад Сардорнинг аёли бўлиб, Райҳон Араб томонидан ўғирлаб кетилган эди) Ваянганга чопар жўнатади.

Шунда Чамбил юртининг ҳимояси, мудофааси Оға Юнус парининг зиммасига тушади. Янаям аниқроғи, у бошлиқ бўлиб, турган хотин-қизлар зиммасига келиб тушади. Юнус пари қўрғон хотинларини ўз олдига йиғиб, уларга қарата шундай мурожаат қиласи:

**+овоқларни ўйинглар,**

**+из-хотинни йиғинглар.**

**Пўпанакни йиғиб ташлаб,**

**Сочни бошга тугинглар,**

**Хотинликни қўйинглар,**

**Сарбоз анжом кийинглар.**

**Душман сирни билмасин,**

### **Элга яқин келмасин.**

Шу гапларни айтаркан, Юнус пари хотинларга аскарий либослар кийдиради, уларни қурол-яроғ билан таъминлайди. Ҳарбий кўриниш касб этган хотин-қизлар баланд тоғ тепасидаги қўрғон атрофида бир текис саф тортишади. Холжуwon ва Юнус парилар бу ўринда юрт ҳимоячилари сифатида яққол намоён бўладилар. Улар сафидағи Гулчехра тимсоли қўрқмас жангчи сифатида эсда қолади. Гўрўғли шошилинч равишда Чамбилга қайтганида Юнус пари бошлиқ аёлларнинг юрт ҳимоясида событ турганликларига гувоҳ бўлади.

Биз бу ўринда халқ оғзаки ижодиётига мансуб бўлган айrim достонларни безаб турган жасур ва тадбиркор, ҳарбий илмида мохир бўлган хотин-қизлар тимсоли билан танишдик. Аслини олганда ёзма ва оғзаки манбалардан чукур ўрин олган момоларимиз ҳақида бир неча жилдлик китоб битилса ҳам озлик қиласи.

Тарихдан хабарингиз борки, Россия истибододига қарши бор куч билан кураш олиб борган +урбонжон кампирнинг ҳаёти ва ишлари асрларга татигулиқдир. У Ватан озодлиги, миллат ҳурлиги

учун бор мол-мулкини, фарзандларини ва қариндош-уруғларини, миллатдошларини сафарбар қилади. Бу йўлда у гарчанд мудхиш фожиаларга дуч келса ҳамки, кўнглига туккан асл ниятидан, олийжаноб мақсадидан бир қадам ҳам ортга чекинмайди. Таъбир жоиз бўлса, +урбонжон кампир тимсоли ватанпарварликнинг олий намунаси сифатида асрлар оша яшаяжакдир.

Агар биз халқимизнинг «Соғ баданда-соғлом ақл» деган мақолини эътиборда тутадиган бўлсак, барча яхши ишларнинг бошида энг аввало тансиҳатлик туришини ва тансиҳатлик, соғлом ақл эса жисмоний комиллик билан бевосита боғлиқ эканлигини англаймиз. Демакки, соғлом оналарнинг соғлом фарзандларигина спортда катта ютуқларга эриша олади. +оловерса, ана шундай фарзандлар Ватаннинг, халқнинг юмушини елкасида баланд кўтара оладилар.

\* \* \*

Миллий курашимиз тарихи жуда узоқларга бориб тақалади. Ўзбек йигит-қизлари қадим-қадимдан кураш, мерганлик, чавандозлик билан фаол шуғулланишган. Фарзандларини болалиқданоқ жисмонан чиниктириб бориш боболаримиз ва

момоларимизнинг азалий одатлари бўлиб келган. Грек тарихчиси Геродот саклар ҳақида шундай ёзган эди: «*Саклар дунёдаги барча мерғанлар орасида ўқни зое кетказмайдиган жуда моҳир мерғанлар сифатида шуҳрат қозонган эди*».

Машхур бобокалонимиз, тиббиёт илмининг отаси ҳисобланган Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунлари» китобида саломатлик учун курашда жисмоний машқларнинг нақадар фойдали эканлиги хусусида алоҳида тўхталиб ўтган. Хусусан, олим халқ кураши ҳақида шундай деб ёзади: «*Кураш ҳар хил турлардан иборат бўлган. Шулардан биттаси икки эркак бир-бирларининг бел боғларини ушлаб ўзига тортади ва ҳар бири ўз рақибидан қутилишга интилади, ҳаракат қиласи, лекин бири бошқасини кучоқлайди. Бундан рақибнинг ўнг қўли устидан, чап қўлинини пастдан ўтказади. Кейин рақибини ўзига тортади. Курашнинг яна бир тури бир-бирига оёқ чалиш, оёқ билан рақибининг оёғига чалиб йиқитиш*».

Мана шу машқлардан бири ҳозирги замон ўзбек курашидаги қайтарма, қоқма, пойгоҳ ва ёнбош усуллари қадимдан қўлланиб келинганини биламиз.

Ўзбекларда ва умуман Марказий Осиёдаги бошқа халқларнинг турмушида турли хил жисмоний машқлар лашкарлар ўртасида айниқса, чавандозлик, пойга ва кураш кенг тарқалғанлигини тасдиқловчи бошқа далиллар ҳам бор. Темурийлар сулоласининг машхур вакили, шоир, шоҳ ва саркарда Бобур ўзининг «Бобурнома» сида кураш манзараларини моҳирлик билан тасвирлаган. Чунончи, у ўзининг ҳарбий юришлари чоғида-манзилгоҳда полvonлар кураш тушганлигини, унда қайиқчи Лохурий иккинчи бир паҳлавон Дус Ёсин Хайр билан олишганини айтади. Бу курашда иккала полvon узоқ куч синашадилар. Шунда Дус Ёсин рақибини қийинчилик билан енгади.

Туркистон ўлкасида номдор полvonлар ўртасидаги мусобақалар 1908 йилдан эътиборан ўтказила бошлаганлиги ҳакида ёзма маълумотлар мавжуд. 1911 йилда ўтказилган ана шундай мусобақалардан бирида ўзбек полvonлари ҳам иштирок этадилар. «Туркестанские ведомости» газетаси ўзининг 1908 йил 18 мартағи сонида шундай ёзган эди: **«Ҳозирги пайтда Эски шаҳарнинг Шайхонтахур гузарида махаллий аҳолидан чиққан полvonлар орасида ҳар куни кураш ўтказилмоқда. Шунга**

*ўхшаш кураш, беллашувлар Эски бозорда, Ўрдада ҳам жума куни бўлиб ўтади».*

Халқимизнинг бирон бир маросими, тўй, йиғини йўқки, уларда кураш, чавандозлик мусобақалари ўтказилмасин. Агар ўтган асрга назар ташлайдиган бўлсак, халқимизнинг паҳлавон ва чаққон, абжир фарзандлари кураш, кўпкарида катта ютуқларга эришганликларини кўрамиз. Ўтказилган кўплаб биринчиликлар ва чемпионатларда халқимизнинг сара вакиллари катта довруқларга эришдилар. Юртимиз полvonлари биринчи бор 1933 йилда собиқ IV СССР биринчилигида қатнашиб, яхши натижаларга эришдилар. Ана шу биринчиликда Ризаев, +амбаров ва Зокировлар совриндор бўлишди. 1934-1938 йилларда ўтказилган биринчиликларда ҳам ўзбек полvonлари кучли ўнликдан жой оладилар.

1937 йилда Тошкент шаҳрида биринчи бор республикамизнинг 30 та шаҳридан 120 нафар полvon йиғилиб, кураш бўйича Ўзбекистон биринчилиги ўтказилди. Таъбир жоиз бўлса, ана шу биринчилик ўзбек кураши тарихида алоҳида боб саналади. Бу биринчилик кураш тарихида катта давр бошланганидан дарак берарди. 1939 йилдан эътиборан бир қатор

кураш секциялари, «Динамо», «Ўқитувчи», «Спартак» жамиятлари барпо этилди. Ҳатто катта корхона, ташкилот ва хўжаликлар қошида ҳам кураш секциялари очила бошлади.

1938 йилда самбо курашининг жорий қилиниши ҳам полвонларимизга қўл келди. Чунки самбо кийимида кураш тушиш, мослашиш жуда осон кечарди.

1939 йилда ўзбек курашининг аввал Фарғонача ва кейинчалик Бухороча усули (турлари) бўйича мусобақа қоидалари ишлаб чиқилди. Мусобақа қоидаларини ишлаб чиқишига кенг жамоатчилик жалб этилди. Бироқ ўша пайтларда айримлар курашни спартакиада ва олимпиада спорт тури эмас дея камситишга ҳам ҳаракат қиласарди. Бошқача айтганда, курашимиз бугунги кунларгача катта қийинчиликларни бошидан кечирди.

Нима бўлганда ҳам ўзбек курашига зеб берган, унинг донғини эл аро ёйган паҳлавонлар ҳақида фахр-ифтихор билан гапирмасдан бўлмайди. Ўтган асрда, аввалги асрларда кураш майдонларини ларзага солган Девман полvon, Бобомурод Лўкча, Йўлдош полvon, Зоир полvon, Исмат полvon, Валламат полvon, Ражаб полvon, +осим полvon ва бошқалар элнинг меҳрини

қозонгандир. Айтиш керак ва тан олмоқ жоиз: дунёга доврук солган барча полвонларнинг оналари ҳам жисмонан, руҳан баркамол, табиатан спортсевар бўлишган. Буни бошқача айтиб бўлмайди. Улар ўз фарзандларининг довруқли бўлишини, куаш майдонларида ор талашиб, ор олиб, ғолиб бўлишини эрта-ю кеч сўраганлар.

\* \* \*

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг барча спорт турлари каби куашга ҳам эътибор тубдан ўзгарди. Айтиш мумкин бўлса, истиқлол йилларида куашнинг янги даври бошланди. Мустақил Ўзбекистон Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг бевосита ғамхўрлиги ва ташабbusи билан ўзбек курашига алоҳида аҳамият берилмоқда. Мамлакатимиз вилоятларида 1992 йилдан эътиборан куаш мусобақалари ва турнирлари оммавий равишда ўтказиб келинаётир. Масалан, Хоразмда Паҳлавон Маҳмуд, Бухорода Юсуф ота Турсунов ҳамда аллома Баҳоуддин Нақшбанд Шаҳрисабзда буюк саркарда Амир Темур, Термизда ал-Ҳаким ат-Термизий Ҳалқаро турнирлари ҳар икки йилда бир марта ўтказиб келинаётир. Бу турнирларда ва ўтказилаётган

бошқа кураш чемпионатларида юзлаб полвонлар ғолиб чиқиб, эл-юрга танилди.

Улуғ бобокалонимиз ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишиланган Халқаро турнирни ўтказиш ҳақида 1993 йилда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори эълон қилинган эди. Бу қарорнинг тарихийлиги шундан иборатки, унга шахсан Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов имзо чеккан. Ҳар икки йилда ўтказилиб келинаётган мазкур Халқаро турнирнинг 1999 йилда ўтказилган тўртинчисини халқаро Кураш Ассоциацияси Осиё чемпионати деб эълон қилди. Шу ўринда яна бир унутилмас воқеани эсга олиб ўтмоқ керак. 1993 йилда Термиз шаҳрида ўтказилган ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишиланган Халқаро турнир қатнашчиларига мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов табрик йўллаган эди. Мазкур табриқда жумладан шундай унутилмас сўзлар бор:

**«...Ўтказиладиган мусобақа келажакда Ўзбекистон диёрида халқ соғлигини мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшади. Ўйлайманки, бу беллашув жисмоний тарбия ва спортнинг турмушдаги аҳамиятини янада юқори даражада кўтаришда муҳим восита бўлиб хизмат қиласи. Сизларни кураш бўйича**

*халқаро мусобақанинг очилиш маросими билан қутлайман. Беллашууда бугун қатнашаётган полвонларнинг келгуси Жаҳон Олимпиада ва Осиё ўйинларининг шоҳсупасида кўрасиз, деб умид қиласман. Мусобақа жараёнида бир-бirimiz билан ҳалол, мардона ва соф инсоний муносабатда бўлишингизни истайман. Ҳар бирингизга омад ёр бўлсин».*

Дарҳақиқат, истиқлол туфайли ўзбек кураши ер юзидағи миллионлаб кишиларнинг қалбини ром этиб улгурди, деб bemalol айтиш мумкин. Жаҳоннинг етмишдан ортиқ мамлакатида Курash Федерациялари ташкил этилганлигининг ўзи ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Жаҳон, Европа, Африка, Америка чемпионатлари ўтказилди ва ўтказилмоқда. Буюк Британия пойтахти Лондонда мамлакатимиз Президенти кубоги учун кураш мусобақалари ўтказиш анъанавий тусга кирди. Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати Россиянинг Тверь шаҳрида икки маротаба ташкил этилди. Ҳалоллик, мардлик синови ва жозибадор бўлган ўзбек кураши Осиё ўйинлари дастурига киритилди. Хабарингиз борки, 2003 йилда Осиё чемпионати Эроннинг Техрон шаҳрида ўтказилди. Навбатдаги жаҳон

чемпионати эса Лотин Америкасида ўтказилиши режалаштирилган.

Мана, ўн йилдан ошмоқдаки, яъни 1993 йилдан буён кўхна Термиз шаҳри ва сурхондарёликлар ҳар икки йилда, айни баҳор палласида жаҳоннинг сара полvonларини илҳақлик билан кутадилар. Ер куррасининг беш қитъасидан ташриф буюрадиган номдор полvonлар ал-Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлиланган Халқаро турнирда ўзаро беллашадилар. Бир нарсани айтиш керакки, мазкур турнирнинг дунё миқёсидаги нуфузи, обруси йилдан йилга ошиб бораётир. Масалан, 2005 йилнинг 4-5 апрел кунлари ўтказилган VI Халқаро турнир мусобақаларига жаҳоннинг 21 та мамлакатидан кураш мутахассислари, шунингдек, 19 мамлакатдан полvonларнинг иштирок этиши диққатга лойик воқеадир. Икки кун давом этган турнирда 60, 66, 73, 81, 90, 100 килограмм ва мутлоқ вазн тоифасида 157 нафар сара полvon иштирок қилди. Туркиялик Селим Татар ўғли, Бекташ Демирел, бразилиялик Кардос Хонорато, Александр Гедес, жанубий африкалик Марк Скотт, польшалик Павел Малованец, эронлик Али Ризо Сонаи, япониялик Хидео Камага, тажикистонлик Рустам Бокиев,

ўзбекистонлик Абдулла Тангриев, Фарход Жўллиев, Илҳом Даминов, Давлат Чориев каби полвонларнинг беллашувлари «Алпомиш» ўйингоҳига ташриф буюрган ўттиз минг нафардан ошиқ муҳлис ва томошабинлар, шунингдек, телеэкрон қошида ҳаяжон билан ўтирган миллионлаб кураш ишқибозларининг олқишлирига сазовор бўлди.

Кескин ва муросасиз ўтган беллашувлардан сўнг 60 килограмм вазнда Рустам Боқиев (Тожикистон), 66 килограмм вазнда Сухроб Дўстов (Ўзбекистон, Сурхондарё), 73 килограмм вазнда Бобомурод Рустамов (Ўзбекистон, Сурхондарё), 81 килограмм вазнда Исоқ Аҳмедов (Ўзбекистон, +ашқадарё), 90 килограмм вазнда Карлос Хонорато (Бразилия), 100 килограмм вазнда Камол Муродов (Ўзбекистон, Тошкент шаҳри) лар биринчи ўринларни эгаллаб, турнир шоҳсупасига кўтарилдилар. Турнирнинг мутлоқ ғолиби Абдулла полвон Тангриевга Ўзбекистон Республикаси Президентининг маҳсус соврини «Нексия» енгил автомашинаси тантанали равишда топширилди.

Дарвоқе, ал-Ҳаким ат-Термизий хотира соврини учун VII Халқаро турнир 2005 йилнинг баҳорида бўлиб ўтди. Бу турнир аввалгиларидан ҳам кўра катта тайёргарлик билан ўtkазилди.

Унинг нуфузи янада ортганлигини унда иштирок этган полвонлар сафи кенгайганидан ҳам, ўнлаб мамлакатлар тарафидан катта қизиқиш ва эътибор билдирилганидан ҳам билсак бўлади.

\* \* \*

Гап хотин-қизларимизнинг кураш билан шуғулланишлари ва бу йўналишдаги мусобақаларда иштирок этишлари ҳақида бораркан, бир нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, натижалар анча қувончлидир. Спортнинг кураш, самбо ва дзю-до турлари бўйича Ўзбекистон чемпионати ва биринчилик мусобақаларида бутун мамлакатимиздан Тўмариснинг ворислари-паҳлавон хотин-қизларимиз фаол иштирок этмоқдалар. 1986, 1987, 1988, 1990, 1991 йилларда туғилган ўсмирлар ва қизлар ўртасида Тошкент, Чирчик, +арши, Жиззах шаҳарларида Ўзбекистон биринчилиги ўтказилади. Ана шу биринчиликларда фаол қатнашган Сурхандарёлик полвон қизлардан Н.Рустамова, С.Тўрамуродова, Г.Ражабова, А.Шопўлатова, М.Ортиқова, А.+одирова, З.Шобировалар ўз вазн тоифаларида биринчи, иккинчи, учинчи ўринларни олишга муваффак бўлдилар. Бундан ташқари, Тошкент шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида юртдошимиз

С.Холиқулова 80 килограмм вазн тоифасида учинчи ўринни эгаллади. Эркаклар ва аёллар ўртасида Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон чемпионатида 63 килограмм вазн тоифасида М.Бўриева биринчи, 78 килограмм вазн тоифасида С.Холиқулова иккинчи ўринни забт этди.

## **ЁШ +ИЗЛАР ОРГАНИЗМИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Бундан олдинги бобда тарихда хотин-қизлар орасидан етишиб чиққан алп юракли полвонлар ҳақида бироз тўхталиб ўтдик. Бу нарса хотин-қизларимизни заиф жинс вакиллари деган атаманинг бир қадар нисбий эканлигини яна бир карра тасдиқлайди. + олаверса, мамлакатимиз мустақиллиги йилларида спортнинг деярли барча турларида, худди шунингдек, куаш соҳасида ҳам ўзбек хотин-қизларининг катта мувоффақиятларга эришаётганликлари фикримизни яна бир бор тасдиқлаб турибди.

Аъзоларининг табиий хусусиятларига кўра, иродавий кўникмаларига кўра хотин-қизлар агар спорт билан жиддий

шуғуллансалар, катта зафарларга эришадилар. Худди шунингдек, кураш соҳасида ҳам ҳаёт шуни қайта ва қайта исботламоқдаки, кураш билан шуғулланувчи хотин-қизларнинг соғлиги янада мустаҳкам, иш унуми аввалгидан-да юқори бўлади.

Албатта, хотин-қизларни курашга тайёрлаш ҳам муайян жараённи талаб этгани каби, бу жараённи амалга оширишдан аввал уларнинг табиатига хос бўлган жиҳатларни мукаммал ўрганиб чиқмоқ керак. Бусиз кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Мустақил равишда танглик даражасини пасайтириш, салбий кайфиятни, безовталиқ, қўрқув ва кутилмаган ҳовлиқишлигарга барҳам бериш учун полвон қизлар махсус ўз-ўзини бошқариш усулини билиши зарур. Бундай усулларга аутоген тренировка деб аталувчи ва унинг кўп сонли кўринишлари киради. Ҳозирги вақтда энг кўп ишлаб чиқилган ва синовлардан ўтган, фойдали жиҳатлари амалда исботланган варианти-ўз-ўзини ишонтириш ҳисобланади. «**Психологик бошқариш машқи**» деб ном олган бу вариант усул махсус спорт амалиёти учун ишлаб чиқилгандир. Психологик бошқариш машқининг доимий тинчлантирувчи машғулоти курашчи хотин-қизларнинг катта юкланишдан кейин тикланишларини

тезлаштиради, муқобиллаштиради. Шунингдек, асаб тизимининг яхши дам олишини таъминлайди, ҳаяжон таранглигини туширади, психологияк ҳолат ва иш фаолиятининг турғунлигини вужудга келтиради.

Психологияк бошқариш машқининг таъсир қилиш йўсини тўртта таркибий қисмдан фойдаланишга асослангандир. Бу қисмлар хотин-қизлар организмида доимий равишда бўлиб турадиган психофизиологик жараён тизимиға киради. Биринчи таркибий қисм ўз диққат-эътиборини белгиланган, яъни танланган нуқта, обьектда тутиб тура билишни машқ қилиш.

Иккинчи таркибий қисм - ўзини-ўзи ишонтириш формуласи ўз онгида тафаккур ва тасаввур қилиб кўриш, иш қобилиятини имкон қадар юқори, яъни максимал аниқлик даражасини ривожлантиришdir. Масалан: ёруғ қиёфани тасаввур қилиш ва бўшашиш, аниқ ифодасини такрорлагандага қўлида иссиқликни ҳис этиш.

Учинчи таркибий қисм - юз, қўллар, оёқлар, тана мускулларини тўлиқ бўшаштириш, яъни скелет мускулларини тарангликдан тўлиқ озод қилишни билиш ва шу орқали мускуллардан марказий асаб тизимиға, бош мияга оқиб борувчи

асаб тўлқинлари камайишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида бош мияда тўпланиб қолган ташвишларни камайтиради. Бунда киши осуда тортиб, мизғиш ёки уйқуга толиш ҳолатига киради. Шу жараёнда марказий асаб тизими ташқи муҳит таъсиридан у ёки бу даражада халос бўлиб, ҳаловат топади.

Тўртингчи таркибий қисм - керакли сўзлар воситасида ўзига-ўзи таъсир эта олиш хусусиятидир. Бу иш мия сергаклиги сусайган ҳолатда амалга оширилади.

Ўзини-ўзи ишонтиришга ўргатиш, бундай малакани ҳосил қилиш руҳиятшунос табиб ёки мураббий раҳбарлигида ўтказилиши кутилган натижани беради. Машғулот яккама-якка ёхуд гурӯҳ ҳолатида ўтказилади. У машғулот тўртта кетма-кет босқичдан, тананинг айrim қисмларга дикқатни жамлашдан, тўплашдан иборатдир. Биринчи босқич «юз босқичи» тўққиз сўз формуласидан таркиб топган. Иккинчи босқич «қўллар босқичи» эса саккизта сўз формуласидан иборат.

Агар курашчи бошланғич учта босқични пухта эгаллаб, мустақил равища юз, қўллар ва оёқларнинг мускулларида бўшашишни, иссиқликни сезишни ўрганиб олса, у ҳолда ўз асаб тизимини жиловлай олади ва шу билан биргаликда уни

тинчлантириш қобилиятини ёхуд малакасини ҳосил қиласы.  
Түртінчи босқич «тана босқичи» 13 та сүз формуласидан иборат  
бўлиб, «*Мен дам олдим ва тинчландим*» жумласи, яъни  
формуласи билан якунланади.

Умуман олганда, спорт турлари, хусусан, кураш турлари  
 билан шуғулланаётган ёш қизлар аъзолари у ёки бу  
 машғулотларни ўрганиш, етарлича малака ҳосил қилишга  
 қобилдир.

## **ХОТИН-+ИЗЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ**

Албатта, катта курашларга, нуфузли беллашувларга шайлананаётган хотин-қизлар учун жисмоний тайёргарлик алоҳида аҳамият касб этади. Бунда спортчи-курашчи жисмоний куч-кувватини ривожлантириши, ҳаракатлар тезлигини ошириши, учрашувни катта тезликда ўтказиш қобилиятини шакллантириши, ҳаракатлардаги чаққонлик ва эпчилликни кенг миқёсда ҳосил қилмоғи лозим. Кураш чоғида ана шундай сифат ва фазилатлар ўзининг жамулжамини топгандагина муваффақиятлар ўз-ўзидан келаверади. Буни ҳам айтиш жоизки, агар санаб ўтилган шу сифатлардан биронтаси етишмаса ҳам беллашувлар чоғида ютуққа эришиш жуда қийин кечади. Мусобақаларда жисмонан кучли курашчи-спортчи хотин-қиз аввалига анча-мунча муваффақиятга эришади. Бироқ, курашнинг охирига боравериб, жисмонан заифроқ, лекин чидамли, узоқ тайёргарлик кўрган полвонга ютқазиб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас. Баъзи ҳолларда эса бу айтаётганларимизнинг тескариси ҳам бўлиши мумкин. Яъни ўта чидамли, событ ва иродаси кучли полвонни кучли рақиб

жисмонан эзиб ҳам қўяди. Кўпдан-кўп беллашувлар, мусобақалар, турнир ва чемпионатларда иштирок этиб, кузатиб, ҳархил ҳолатлар юз беришга ишонч ҳосил қилганмиз.

Бирок, нима бўлганда ҳам спортчи хотин-қизларимиз ўзлари учун зарур бўладиган жисмоний фазилатларни, кўникма ва малакаларни ҳосил қилишлари, ривожлантиришлари, бу йўлда тинимсиз иш олиб боришлари лозим бўлади. Бир нарсани айтиш керакки, жисмоний тайёргарлик жараёни кўр-кўронада ёхуд таваккалига олиб борилмаслиги керак. Курашчи ўзида қайси жиҳатлар заифлигини илғаса, сезса, ана шулар устида иш олиб бориши мақсадга мувофиқдир.

Жисмоний сифат ва фазилатларни гармоник ривожлантириш учун полвон доимий равища, аниқ мақсадни кўзлаган ҳолда, маҳсус воситаларни қўллаган ҳолда машғулотлар олиб бориши жуда мухимдир. Унутмаслик керакки, курашчи хотин-қизларнинг жисмоний тайёргарлиги, машғулотлари педагогик жараён бўлиб, ўз ичига техник ва тактик, руҳий-иродавий ва назарий тайёргарликларни қамраб олади. Бу вазифаларнинг барчаси ягона педагогик жараёнда ўзаро боғлиқлик ва алоқадорлиқда ҳал этилади. Курашчи хотин-

қизларнинг у ёки бу машғулотни танлаши, мақсадга мувофиқ тарзда олиб боришини таъминлаш асосан мураббийларнинг зиммасидаги муҳим вазифадир. Мураббий полвоннинг имкониятларини, тайёргарликдаги заиф жиҳатларини тўлиқ билиши, вазиятни тўғри баҳолай олиши, курашчининг руҳий-иродавий фазилатлари қай даражада ривожланганлигини аниқ билиши лозим. Машғулотларни ҳам шунга мослаб режалаштирсин ва олиб борсин.

Мақсадга мувофиқ равишда жисмоний тайёргарликдан ўтган курашчи хотин-қиз қуийдаги имкониятларга эга бўлмоғи лозим:

- бир кунда 4-6 та учрашувда иштирок этиб, бу учрашувларнинг ҳар бири 8-10 минутни ташкил этиб, рақиблар билан беллашув юқори тезлиқда оширилиши керак.
- жадвалда келтирилган меъёр (норматив) лар бўйича жисмоний тайёргарлик талабларини бажариш керак.

Жисмоний сифат ва фазилатларни ривожлантириш учун машқлар олиб бориш чоғида имкониятларга мувофиқ иш юритиш, меъёрни билиш лозим. Масалан, югуриш масофаси ҳамда тезлигини, штанга оғирлиги ёки рақиб билан ишлашни аниқлаш муҳим саналади. Чунки зўриқиши, имкониятдан ортиқча

ишларни қиласман деб жидди-жаҳд қилиш спортчини мажруҳ қилиб қўйиши ҳам ҳеч гап эмас.

Жисмоний куч-қувват машқлар жараёнида ҳосил бўлади ва ошиб боради. Буни асло унутмаслк керак. Машқларни ҳар бир шуғулланувчи ўзининг кучи, имкониятига қараб сонини астасекин ошириб бориши керак бўлади. Билиб қўйган яхшики, курашчи хотин-қизларнинг жисмоний тайёргарлигини оширишда кучни ўстирувчи машқлар етакчи ўринни эгаллайди. Кучни ўстирувчи воситалар - бу оғирлик-юқ билан бажариладиган (масалан, штанга, гирлар, ўз оғирлиги, рақиб оғирлиги ва бошқа предметлар) машқлар ҳисобланади.

Жисмоний кучни ривожлантириш учун курашнинг хусусиятидан келиб чиқиб, кучни ривожлантирадиган машқларни танлаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Куч ва чидам деган тушунчаларнинг ўртасига Хитой девори қўйиб бўлмайди. Бу иккала сифат бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғлиқдир. Уларнинг биринчисини иккинчисисиз тасаввур этиш хатоликка олиб боради. Агар полвон кучли бўлса-ю, чидамли бўлмаса, у ҳолда кураш чоғида мағлубиятга томон шиддат билан бориши мумкин. Агар чидамли бўлса-ю, кучи этишмаса, буниси ҳам ёмон.

Лекин, шуни ҳам унутмаслик керакки, чидамли одам кучли бўлмасдан ҳам қолмайди. Чидамлиликни ўстиришда ва таркиб топтиришда **«имкон борича»** деган усулдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ саналади. Бу усул методнинг моҳияти шундан иборатки, полвон машқни зўриқмасдан, токи чарчаб тўхтаб қолгунча кўп марта такрорлайди. Сўнгра икки-уч минут дам олиб, машқни яна чарчагунга қадар давом эттиради. Албатта, машқларни такрорлаш сони ва жадаллиги полвоннинг тайёргарлик даражасидан келиб чиқилган ҳолда амалга оширилмоғи маъқул бўлади. Масалан, дейлик, полвон 100 килограммлик штангани кўтариб ўтириб туриши мумкин бўлса, ўтириб туриш машқини бажариш учун 40 килограмм оғирликдаги штанга билан 30-40 марта машқни такрорлайди. Чарчагач, яна дам олиб, сўнгра машқни давом эттиради. Шундай қилиб, бу ҳолат бир неча маротаба такрорланиши мумкин. Бу машқни кўпроқ юк билан яъни мутлоқ оғирликнинг 60-70 фоизи даражасидаги юк билан ҳам бажарилиши мумкин. Лекин, бунда куч ошиши билан бир вақтда тезкорлик бир қадар пасайиши ҳам кузатилади. Шунинг учун жуда катта оғирлик билан машқ бажаришга эҳтиёткорлик билан ёндошган маъқул. Шуни доимо

Эсда сақлаган яхшики, кучни ошириш машқларини бажаришда унинг тезкор ва «портловчи» хусусиятига эга бўлиши «имкон борича» деб аталувчи усулнинг асосий моҳияти ҳисобланади.

Тезкор кучни ривожлантириш ва ҳосил қилиш воситаси сифатида ҳар-хил оғирликдаги тош, оғир тўлдирилган копток, қум тўлдирилган халта ва бошқа оғир нарсаларни ҳар-хил йўналишда (олдинга, орқага, бурилиб, сакраб улоқтириш) машқларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ келади.

Айтиш керакки, кейинги йилларда ҳархил спорт турлари вакиллари кучни ўстирувчи изометрик машқлардан фойдаланмоқдалар. Улар мутлоқ кучни ва узоқ вақт турган ҳолатда зўриқиш қобилиятини ривожлантиради. Изометрик машқлар моҳияти шундан иборатки, бунда полвон маълум миқдордаги (мутлоқ кўрсаткичнинг 50-90 фоизи) юкни кўтариб, гавда мускулларининг айrim гуруҳларига таъсир қиласиган вазиятда туриб бир неча секунд вақт сақлаб туради. Масалан, полвон елкасига штангани ёки бўлмаса ўзининг жуфтлиги, рақибини кўтариб тиззаларини ҳар-хил бурчақда букиб, 12-15 секунд тутиб туради. Бу машқ 20-30 марта қайтарилиши мумкин.

Изометрик машқларни бошқа кучни ўстирувчи машқлар билан қўшиб олиб борса ҳам бўлади. Яъни бунда иш қобилиятини тезлиқда тиклаш учун мускулларни юмшатиш ва чўзилувчи ҳаракат машқларини қўллайди. Изометрик машқларни бажариш жараёнида уларнинг оғирлиги (юк) ва қайтарилиш сонини ошириб бориш зарур.

Кучни ривожлантирувчи машқлар кўпроқ тайёргарлик даврида қўлланилгани маъқул. Чунки жисмоний тараққиёт, сифат ўзгариши айнан шу даврда амалга оширилади. Мураббийлар курашчи хотин-қизларга катта ҳажмдаги куч машқларини бажаришга даъват этарканлар, уларга вақтида дам беришни, тикланиб олишни ҳам унутмаслик керак.

Куч ва тезкорлик полвон учун жуда муҳим бўлган эгизак жисмоний фазилатлардан саналади. Агар одамда жисмоний куч етишмаса машқ амалини тез ва аниқ бажариши қийин бўлади. Ўз навбатида полвон катта куч ҳисобига амал ўтказмоқчи бўлса-ю, бироқ тезлиги етишмаса, бундай вазиятда рақиб тезлиқда ҳимояланиб, мувозанатини тиклайди ва ҳужумни пучга чиқаради. Шундай экан, демак, куч ва тезкорлик машқлари комплекс ҳолда қўшиб олиб борилиши катта самара беради. Одатда ҳаракат

тезлиги күч ва чидамлиликдан кўра секинроқ ривожланишини ҳисобга олмоқ керак. Аксарият полвонлар учрашув ҷоғида аниқ вазият туғилган пайтда тезкорликни намоён қиласидилар. Яъни, бунда полвон юзага келадиган вазиятни тезкорлик билан пайқаб ва аниқлаб, шунга зарур бўладиган қулай усулни амалга оширади.

Полвоннинг тезкор ҳаракати кураш амалларини ва бошқа ҳаракатларини чаққонлик ила кўз илғамас даражада тезлик билан бажариши яққол кўринади ва баҳоланади. Тезкорликни ошириш учун машқларни - зарурий амалларни беллашувлар ҷоғида қўл келишига қараб танлаш мақсадга мувофиқдир. Махсус тайёргарлик машқлари тезкорликни оширувчи омиллардир. Шунингдек, амаллар намунасини бажаришда аста-секин уларнинг тезлигини ошириб, техникасини тўғри бажариш зарур. Чунки ҳаракат техникаси нотўғри такрорланса, унга одатланиб қолиб, кейинчалик учрашув пайтида амаллар техникаси бузилиб қолиши ҳам мумкин.

Курашчилар тезкорликни ошириш учун шерик билан бажариладиган машқларга, яъни мувозанатдан чиқаришнинг ҳар хил усулларини, амални бажаришга тайёрлаш, амалнинг бошланғич босқичини ташламасдан қайтариш фойдалидир. Бу

машқлар ҳаракат тезлигини исталған даражада етиштиргунча давом эттирилади. Бу 30-40 марта тақрорланиши мүмкін.

Тезкор ҳаракатни янада мустаҳкамлаш, чуқурроқ қарор топтиришда тайёргарлик машғулотлари өткізу енгил вазндағи шериклар билан учрашув белгилаш мақсадға мувофиқдир.

Тезкорлықни оширишда ёрдамчи спорт турлари билан шуғулланиш яхши натижалар беради. Жумладан, баскетбол ва футбол үйнаш курашчилар учун тезкорлықни оширишда яхши восита ҳисобланади. Бундан ташқари, акробатик ва айрим гимнастик ускуналарда бажарыладын машқларни юқори тезликта бажариш ҳам яхши натижада.

Тезкорлықни оширувчи машқларни әрталабки гимнастика машқларидан тортиб барча тайёргарлик машғулотларида жисмоний ва махсус тайёргарлик машқлари киритилишини күзде тутмоқ лозим. Бундай машқлар одатда үқув-тренировка машғулотларининг бошланишида үтказылади. Чунки спортчи өткізу үшін тезкор машқларни амалға ошириш тавсия этилмайды.

\* \* \*

Ҳамиша эсда тутиш лозим бўлган ҳақиқатлардан бири шуки, беллашувларни тезкор суръатда ўтказиш ва мусобақанинг бошидан охиригача иш қобилиятини сақлаб қолиш чидамлилик даражаси ниҳоятда юқори бўлган полвонгагина насиб этади. Кейинги йилларда кураш мусобақаларининг бир кунда ўтказилиши беллашув сонини ошириб юборди ва айни бир пайтда кураш суръати ошди ҳамда анча кескинлашди. Бу эса ҳозирги полвонларнинг катта турнирларда бир кунда 5-8 та учрашув ўтказишга тайёр туришларини тақозо этади. Финал учрашувига яқинлашган сари беллашув вақти чўзилиб кетади ва тобора кескинлашиб боради. Чидамлилик қобилияти нисбатан паст бўлган полвонларнинг бундай мусобақаларда ғалабаларга эришиши жуда қийин кечади.

Агар полвоннинг чидамлилик даражасида нуқсонлар бўлса, учрашув-беллашув чоғида у тезда иш қобилиятини йўқотади, ҳаракат тезлиги пасаяди. Шунингдек, кескин куч ишлатиш қобилияти бўшашиб, техник амаллар бузилади. Кучли жисмоний толикиш ва асаб таранглиги учрашувдан кейин юрак-томир тизимида, нафас олиш ва киши аъзоларининг бошқа тизимларида ҳам чуқур ўзгаришлар содир бўлади. Натижада полвон

навбатдаги учрашув-беллашувларга кучини тўлиқ тиклай олмайди. Яъни навбатдаги янги учрашув чоғида полвон ўзида кучли чарчоқ, ҳорғинлик сеза бошлайди. Бундай ҳолат эса мағлубият сари илдамлик билан боришнинг хунук аломатидир.

Токи полвон катта, йирик мусобақаларда доимий равища ёруғ юзли бўлишни, ғолиб чиқишни истар экан, у ҳолда доимий равища чидамлиликни ошириш устида сабот билан иш олиб бормоғи лозим. Чидамлилик ҳам умумий, ҳам маҳсус бўлиши мумкин. Умумий чидамлилик деганда, бир меъёрда узоқ вақт ишлаш тушунилади. Умумий чидамлилик машқларни узоқ вақт муентазам равища бажариш орқали ҳосил қилинади. Яъни бунга юриш, югурниш, сувда сузиш машқларини узоқ, бир хил суръатда ва кичик шиддатлар билан бажариш орқали эришилади. Бу машқларни бажариш пайтида инсон аъзоларидаги юрак томир фаолияти, нафас олиш, шунингдек, бошқа тизимлар фаолияти ошади. Бу эса пировард натижада одамнинг курашчилик қобилияти ортишига олиб келади.

Аввал эслатганимиздек, спортчидаги чидамлилик сифатида бирданига ошадиган жараён эмас. Мақсадга томон аста-секинлик билан, айни пайтда муентазам равища борилади. Чидамлиликни

оширишда аъзоларни аста-секинлик билан «ишга» тортиш лозим. Яъни юриш, югуриш, сувда сузишнинг масофасини узайтириб бориш ва бир меъёрда иш олиб бориш ғоятда муҳим саналади. Кейинчалик эса чидамлиликка кўпроқ шиддат билан бажариладиган ишга ўтиш натижасида эришилади. Бунинг учун курашчи ўзининг маълум норматив (меъёр, ўлчов) ларни бажаришга, яъни 1500 метрга югуриш, 1000 метрга сузиш ва бошқа машқларга тайёрлайди.

Бир йиллик тайёргарлик-машқлар режасида умумий чидамлиликни ривожлантирувчи машқлар тайёргарлик даврига қараб мўлжалланади ва маҳсус чидамлиликни ошириш учун пухта замин ҳозирлайди. Дарвоқе, маҳсус чидамлилик деганда полvonнинг беллашувни юқори суръатда ўтказиб ва у тамом бўлиши билан иш қобилиятининг тикланишини тушунмоқ керак.

Маҳсус чидамлиликни ошириш воситаси сифатида шерик билан тикилган қоп, тулуумлар билан кураш амалига яқин машқларни бажариш, тайёргарлик беллашувлари, хилма-хил усууллардан фойдаланиш кутилганидек яхши самара беради. Маҳсус чидамлиликни ошириш ҳам аниқ методик изчилликка эга бўлади. Биринчи босқичда полvon ҳар хил рақиб билан 6-10

минутда беллашувни ўртача суръатда ўтказиш қобилиятига эга бўлиши лозим. Махсус чидамлилик аста-секин, машқдан-машқча ҳар бир рақиб билан беллашув вақтида ошириб борилади.

Тайёргарликнинг биринчи босқичида уч шерик билан уч дақиқадан ўртача суръатда курашган бўлса, мусобақага тушиш олдидан тайёргарлик қўриш даврида беллашув вақти 5-6 минутга, ҳар хил рақиб билан беллашувлар сони эса тўрт ёки бештага кўпаяди.

Беллашувлар оралиғида дам олиш муддати муҳим аҳамиятга моликдир. Такрорий учрашувни белгилаш полвон тўлиқ дам олиб улгурмаган пайтда бошланса, 20-30 дақиқа дам олгандан кейин ўтказилган беллашувга кўра фойдалироқ бўлади. Беллашувни 3-6 дақиқадан, дам олиш оралиғи 5-10 дақиқадан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Юкланишни ошириш беллашув сонини ошириш, улар оралиғидаги вақтни қисқартириш ҳисобига оширилади.

Махсус чидамлиликни ошириш учун беллашув пайтида суръатни ошириш муҳим аҳамиятга эгадир.

Умумий ва махсус чидамлиликни ошириш учун қуйидаги усулларга амал қилиш тавсия этилади:

- тайёргарлик даврида умумий чидамлиликка асосий эътибор қаратилади ва бу нарса махсус чидамлиликни ошириш соҳасидаги кейинги ишлар учун замин ҳосил қиласди:

- махсус чидамлиликни оширишнинг бошланғич босқичида бажариладиган машқ ва беллашувларнинг давомийлиги ҳамда суръати ошириб борилади. Кейинчалик эса машқларнинг интервал усули кўпроқ қўлланилади.

Курашчи ўз аъзоларига қўйиладиган талабни аста-секинлик билан ошириб бориши керак. Услубий ва физиологик жиҳатдан юкланишнинг ошиб бориши «зинапоя» тарзида бўлганлиги маъқул бўлиб, бир неча тайёргарлик машқидан кейин бошланади. Аъзолар шунга одатланиб, мослашиб, бериладиган «юқ»ларга ўрганиб қолади. Зинапояларнинг ошиб бориши, «чўкки» ҳолатга келиши спортчининг тайёргарлик даражасига бевосита боғлиқ бўлади. Спорт кўрсаткичларининг ўсиб бориши тайёргарлик машғулотларидағи юкламанинг ошиб бориши билан узвий боғлиқдир. Агар машқ қилиш юкланмаси узоқ вақт бир хилда сақланиб қолса, у ҳолда курашчи аъзолари шунга ўрганиб қолади ва бу нарса кейинчалик спортчининг мусобақаларда мағлубиятга

юз тутишига ҳам олиб келиши мумкин. Ана шундан эҳтиёт бўлган яхши.

\* \* \*

Албатта, кураш илми, бошқачароқ айтганда, назарияси ва амалиёти билан шуғулланаётган, ёхуд шуғулланмоқчи бўлаётган хотин-қизларнинг жисмоний тайёргарлигини таъминлашда кўпдан-кўп воситалар мавжуд. Чунончи, кураш бўйича спорт секциялари бу вазифани бекаму кўст бажара олади. Жисмоний маданият ва спорт жамоалари, спорт клублари, ўқув юртлари, шунингдек, ишбилиармонлар томонидан пуллик ёки ташкилотлар ҳисобидан машғулотлар ташкил қилинади. Секцияларга кураш билан шуғулланишни истаган барча хотин-қизлар қабул қилиниши мумкин ва жоиз. Аввало ҳар бир кишидан жисмоний машқ ва спорт машғулотларида шуғулланиш учун рухсат берувчи тиббиёт корхонаси – муассасаси ҳакими маълумотномаси талаб қилинади.

Спорт секцияларига қабул қилиш эътиборан август ойининг охири ва сентябр ойининг бошларида ўтказилади. +абул қилинган хотин-қизлар билан спорт машғулотлари ўтказиш учун уларни ёшига, жисмоний ва спорт тайёргарлик даражаларига қараб гуруҳларга бўлиб чиқилади. Ўқув гуруҳларининг сони шуғулланувчиларнинг умумий сонидан, уларнинг ёши, жисмоний ва техник тайёргарлик даражаси, шунингдек, мавжуд юқори даражали мураббийлар ва мураббий-ўқитувчилар сонидан келиб чиқиб белгиланади.

Ҳар бир гуруҳда секция янгидан келган ўсмирлар ёки қизлар сони бир мураббийга 20 кишидан ошмаслиги мақсадга мувофиқдир. III спорт даражасига эга бўлган полвонлар гурухига 16 киши, II спорт даражасига эга бўлган полвонлар 12 киши, I спорт даражасига ва Ўзбекистон спорт усталари гурухида 10 кишидан ошмаслиги керак.

## **Ўқув гуруҳларидаги курашчи ўғил-қизлар сони ва ўқув тарбия ишларининг тартиби:**

Ўқув тренировка	Гуруҳларда шуғулланувчилар	Ҳафталик машғулотлар	Дарс вақти	Ойлик ўқув	Бир йиллик	Спорт кўрсаткичига
-----------------	----------------------------	----------------------	------------	------------	------------	--------------------

йили	сони	сони	(соат, дақықа)	соатлар сони	ўкув соати	қўйиладиган талаблар
Биринчи	18-20	3	2	24	300	Бошловчилар
Иккинчи	16-18	3	3	36	416	III разряд
Учинчи	12-16	4	3	48	520	II разряд
Тўртинчи	10-14	4	3	48	580	I разряд
Бешинчи	8-10	4	4	64	650	Спорт усталигига номзод ёки спорт устаси

Ўқув тайёргарлик машғулотлари, тарбиявий ишлар ва шуғулланувчилар ўртасида оммавий спорт ишлари жисмоний маданият, спорт клуб кенгашларининг раислари, муовинлари, мураббийлар ва жамоатчи кадрлар томонидан ташкил қилинади.

Ушбу дастур асосида тайёргарлик (тренировка) машғулотларини ўтказиш мураббийлар ҳамда жамоатчи мураббийлар зиммасига юкланди. Спорт секция машғулотларига қатнашувчиларнинг барчаси Ўзбекистон Республикаси маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан белгиланган тартиб бўйича камида ҳар олти ойда врач назоратидан ўтишлари зарур.

Спорт клублари, ўқув юртлари ва ташкилотлар хузурида ташкил қилинган спорт секцияларидағи машғулотлар умумий қоида асосида ишловчи ва ўқувчи ёшларнинг бўш вақтларини ҳисобга олган ҳолда тузилган жадвалга биноан олиб борилади.

Ўқув-тайёргарлик                    машғулотларидан                    ташқари шуғулланувчиларга мустақил шуғуллантириш учун кураш техникасини такомиллаштириш, жисмоний фазилатларни ривожлантириш ва аъзоларни чиниктириш бўйича вазифалар мунтазам равишда бериб борилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқув йили давомида мураббий секцияга қатнашувчи полвонлардан спорт клуби ёки мактаб томонидан ишлаб чиқилган техник, тактик ва жисмоний тайёргарлик бўйича ўқув нормативлари (меъёrlари) қабул қилиниб, мухокамадан ўтгандан кейин қизларга етказилади. Сўнгра уларга янги-янги вазифалар берилиб борилиши зарур.

Ўқув йили охирига бориб белгиланган норматив (меъёр) ни бажарган полвонлар юқори разрядли полвонлар грухига ўтказилади. Белгиланган топшириклар ва норматив (меъёр) ларни бажара олмаганлар ўз грухида қолдирилади ёки

ўзлаштириши суст, интизоми паст спортчи сифатида куаш секциясидан четлаштирилади.

Куаш секцияларидаги ўқув гурӯҳлари олдига қуйидаги вазифалар қўйилади:

- янгидан шуғулланишга киришган гурӯҳда куашга қизиқиш уйғотиш;
- шуғулланувчиларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш ва айниқса ёш қизлар организмини чиниктириш, ҳар томонлама жисмонан тараққий этишини таъминлаш;
- талаб этиладиган норма (меъёр) ларни бажаришга тайёрлаш;
- энг муҳим жисмоний сифатлар, куч, тезлик, чидамлилик, чаққонлик каби жисмоний ва ҳаракат фазилатларини ўстириш;
- техник ва тактик тайёргарлик даражасини ошириш, назарий маълумот ҳамда мусобақа қоидалари билан таништириш;
- куашчи қизларни мусобақаларга фаол қатнаштириб, спорт даражаси (разряди)га эга бўлишларини таъминлашдан иборат;
- III спорт разрядига эга бўлган қизлар гурӯхида ҳар томонлама жисмоний тайёргарлик даражасини ошириб бориш,

жисмоний ҳаракат фазилатлари, яъни куч, тезлик, чаққонлик, чидамлилик каби зарур фазилатларни такомиллаштириб, полвонлар учун зарур бўладиган куч ва тезлик каби маҳсус ҳаракат сифатларини ривожлантириш;

- жисмоний тайёргарлик, техник ва тактик бўлимлар бўйича норматив (меъёр) талабларини ўзлаштириб, дастурда белгиланган даражада назарий билимларни ўзлаштириш;
- мусобақага қатнашиш тажрибасини орттириб бориш;
- II разряд талабини бажариш;
- ҳакам тажрибасига эга бўлишдан иборат бўлади.

II, I разрядли гурухларда умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлик даражасини янада такомиллаштириб бориш, курашнинг техник ҳамда тактик усусларини кенгроқ, янада мустаҳкамроқ эгаллаш, II разряд нормасини (меъёр)ни тасдиқлаш ва I разряд талаб нормаси (меъёр)ни бажариш лозим. Мусобақага қатнашиш, тажрибасини ошириш, яъни шу йўлда событқадамлик билан иш олиб бориш, мусобақалар уюштириш ва ўтказишни ташкил эта билишни ўргатиш, мусобақаларда ҳакамлик қилиш ва спорт ҳаками унвонини олиш, шунингдек, жамоатчи мураббий касбига эга бўлиш, халқаро миқёсдаги кураш турнирларининг

бирортаси билан кўшимча шуғулланиб боришга эришиш мухимдир.

Спорт усталари ва усталикка номзодлардан ташкил топган, спорт маҳорат групхларида жисмоний, техник ва тактик маҳорат даражаларини, спорт маҳоратларини янада такомиллаштиришни давом эттириш лозим. Спортчиларнинг назарий, иродавий, руҳий тайёргарликларини янада ривожлантириб, жамоатчи мураббий ва I даражали спорт ҳаками унвонларига сазовор бўлишдан иборатдир.

## **ХОТИН-+ИЗ КУРАШЧИЛАРНИНГ ТЕХНИК-ТАКТИК ТАЙЁРГАРЛИГИ**

Кўплаб нуфузли ва йирик мусобақа, турнир, чемпионатларни таҳлил қилиш шуни кўрсатмоқдаки, курашчи хотин-қизларни тайёрлашдаги энг катта камчилик - уларнинг техник тайёргарлиги талаблар даражасидан анча пастлигидир. Уларнинг айримларида кураш амалларининг чегараланганилиги,

мавжуд амалларни ҳам ишлата билмасликлари, қулай имкониятлардан фойдалана олмасликлари, зарур вақтда хужум ююштира олмаслик кабилар күзга яққол ташланиб қолмоқда. Бу муаммолар яна бир карра шуни тасдиқлайдыки, курашчи полвон қизларни техник ва тактик тайёрлаш устида жиддий ишлар олиб борилиши лозим.

Кураш амаллари шу қадар кўп ва хилма-хилки, ҳар бир полвон ўз имкониятидан фойдаланиб, яъни бўйи, вазни, кучи, тезкорлиги, чаққонлиги ва бошқа хусусиятларидан келиб чиқиб ўзи учун маъқул ва мос ҳамда муносиб амални танлаб олиши, қўллаши пировардида мусобақаларда мувофақиятли қатнашиши мумкин. Курашчи қизлар спорт секцияларида мунтазам шуғулланиш даврида курашнинг барча асосий амаллари билан танишиб борадилар. Уларни ўкув тайёргарлик машғулотларида ҳар хил шериклар билан такомиллаштиради, бинобарин мусобақаларда бажариб туради.

Тайёргарлик машғулотларида ҳар бир курашчи қиз ўзи севган, ўзининг шахсий хусусиятларига мос ва муносиб амалларнинг бир нечтасини танлаб олиб, уларнинг қулайлиги, муносиблигини мусобақаларда текшириб, ундан ҳимояланиш ва қарши хужумга

үтиш йўлларини аниқлаб, шунингдек, рақибнинг ҳимояланиш ёки қарши ҳаракатини ҳам белгилаб олиб иш тутишни ўрганиши, қисқаси, ўзи севган ва танлаб олган кураш амалини бенуқсон эгаллаб, бажаришни ўрганмоғи лозим.

Кўпчилик курашчи қизларда учрайдиган асосий камчилик шуки, улар тайёргарлик, машғулотлар жараёнида ўрганилган кўпгина кураш амалларини кейинчалик такомиллаштириш ўрнига уларни асосан куч ва чидамлилик ҳисобига бажаришга ҳаракат қилишидир.

Албатта, бундай тажрибасиз ва техник ҳамда тактик тайёргарлиги нисбатан олиб қаралганда бўшроқ полвонлар, курашчи қизлар беллашувида билинмаслиги, курашчи бир қадар ютуққа ҳам эришиши мумкин. Аммо шуни хеч қачон унутмаслик керакки, катта турнирларда, тажрибали ва ҳар томонлама тайёргарлиқдан ўтган полвонлар билан учрашувларда техник ва тактик жиҳатдан мавжуд бўлган камчиликлар панд бермасдан қолмайди. + олаверса бундай ҳолатларда кутилган ижобий натижаларга ҳам эришиб бўлмайди.

Курашчи қизлар техник ва тактик маҳоратларини секцияга қатнаша бошлаган дастлабки кунларданоқ такомиллаштириб

бормоғи, ривожлантириш учун жиддий саъии-ҳаракат қилмоғи шарт. Буларсиз маҳоратли курашчини тасаввур этиш қийин, албатта.

Машхур полvonлар кураш амалларининг қандай гулдастасига эга бўлмоқликлари керак? Бу тўғридаги фикрлар хилма-хил ва ранг-барангдир. Лекин уларнинг ҳар қайсиси у ёки бу даражада ҳаётий ҳақиқатларга яқиндир.

Бундай фикрлардан биринчиси; агар курашчи қанчалик кўп кураш амалини ва вариантини билса, эгалласа, маҳорати шу қадар баланд хамда юқори бўлади.

Иккинчи фикр шуки, машхур ва умуман катта ютуқлардан умидвор бўлган курашчи қизлар, полvonлар курашининг бир неча амалини чукур билишлари, пухта ўзлаштириб олган бўлишлари, бинобарин, уларни ҳолатига, вужудга келган вазиятига қарата бажара, ишлата олишлари, қолаверса, бу амалларни нафислик билан амалга ошириши мухимдир. Назаримизда, ана шу иккинчи фикр жуда маъқул кўринади.

Шуни унутмангки, курашда амал жуда кўп. Лекин полvon шу амалларнинг икки-учтасидан беллашув чоғида фойдалана олсин ва рақибиغا қарши ишлата билсин. Агар шу амалларни чиройли

тарзда бажара олса, ғалаба ҳам ундан қочиб қутила олмаслиги тайин гап. Масалан, ҳужумкор рақибга нисбатан **қоқма** ва **елқадан ошириб ташлаш** усулинини қўллаш, ҳимояланувчилар эса, яъни орқага тисарилувчи полвон учун **енгдан қоқма, тўғаноқ, ичкаридан илдирма каби** амалларни қўллаш, шунингдек, рақиб тарафнинг ҳам бажарадиган амалини пухта билиши шарт. Полвон ўзи танлаган амалларни доимий равишда такомиллаштириб, ривожлантириб бормоғи лозим. Бу эса рақибга тасодифан, ўтилмаган ҳужумга ўтишда ҳам эгалланган кураш амалини чиройли бир ҳолатда, бенуқсон бажаришга имкон очиб беради.

Ҳар бир курашчи мураббий билан биргаликда ўзи учун энг қулай кураш амалини танлашда ўзининг жисмоний, техник ва тактик тайёргарлигидан, шунингдек, ўз шахсий хусусиятидан келиб чиқиб иш кўрмоғи мақсадга мувофиқ келади. Танлаган кураш амалини такомиллаштириш мунтазам равишда олиб борилади.

Ўрганилаётган амал бошда қаршилик кўрсатмаётган шерик билан эгалланади. Мураббий шогирди билан амални бажаришнинг энг қулай вариантини, курашчининг малака, тараққиёт даражасидан келиб чиқиб аниқлайди. Полвонда

мустаҳкам кўнирма ҳосил қилиш учун мураббий шеригининг қаршилигисиз амални 30-40 марта тақрорлашни таклиф этади. Бу усулдан нафақат ўрганиш даврида, балки тақомиллаштириш даврида ҳам кенг ҳамда унумли фойдаланилади. Кейинчалик техник жиҳатларни тақомиллаштириш шерикларнинг бир томонлама қаршилик ҳаракати билан амалга оширилади ва астасекин қаршилик кучайтирилади.

Шу тариқа полвон, курашчи қизлар кураш амалларини ўқувтايёргарлик, тренировка машғулотларида, беллашувларда янада тақомиллаштириб боришда давом этадилар. Унутмангки, машғулотлар давомийлиги, чуқур интизом, доимийлик олдида турган муқаррар ғалабаларнинг гаровидир.

Кураш нафақат кучни, тезкорлик, чаққонлик, усул, хийлани, балки илмни ҳам тақозо этади. Полвон беллашув чоғида ўзи ишлатмоқчи бўлаётган кураш амалини рақибидан пинҳон тутиши мухимдир. Бунда у чалғитувчи ҳаракатни шундай усталик билан амалга оширсинки, бу нарса пировард натижада ғалабага йўл очиб берсин. Полвон ўзи танлаган амалини тақомиллаштириш жараёнида ишни пишиқ қилиши лозим. Ўзи танлаган кураш амалини сон-саноқсиз марта тақрорлаши ва бунинг оқибатида

мазкур амални бажаришда полвонда ўзига хос автоматизм вужудга келсин. Бунинг учун мураббий тайёргарлик машғулотларида шерик билан бажаришда уларнинг бўйи, оғирлиги, туриш ҳолати ҳар хил бўлганларини танлаб, машқ қилдириши натижасида кураш амалини ҳар қандай ҳолат ва вазиятда ҳам бажариш малакаси пайдо бўлади. Мусобақаларга тайёрланиш даврида-машғулотларда ўз амалларини такроран машқ қилишда, айниқса тайёргарлик ва назорат белашувларида шерикларни тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигини асло унутмаслик керак.

Мусобақага тайёрланаётганда полвон ўзининг ишга солмоқчи бўлган жанговар амалларинининг қандай натижа беришини текшириб кўради. Шундай пайтда, яъни назорат учрашувида рақиб унинг хужумларини bemalol бартараф этса, бу ҳолда курашчида шубҳа туғилади: унинг кураш амаллари мусобақа чоғида иш берадими ёки йўқми? Бундай ҳолат кўпинча ўқув-спорт йиғинларида учраб туради.

Курашчилар ўзаро 15-20 кун давомида биргалиқда машғулот ўтказганликларидан кейин бир-бирларини шунчалик яхши билиб олишадики, натижада бирон амални бажаришнинг

иложи бўлмай қолади. Шунинг учун мусобақа бошланишидан бир неча кун аввал, яъни шу мусобақада қатнашмайдиган бошқа жамоа аъзолари ёки енгилоқ вазндаги, заифроқ тайёргарликка эга бўлган рақиблар билан машқ қилиш тавсия этилади.

Курашчи қизлар мусобақага тайёргарлик кўраётуб, албатта, ўзи тайёрлаган янги амални синаб кўрмоғи мақсадга мувофиқ келади. Яъни рақибни тайёрлаш усули ёхуд комбинациясини амалда бажаришни текшириб кўрмоғи даркор. Уларни, албатта, тажрибали полвонлар билан учрашувда текширилади. Бирок мусобақада учрашиши мумкин бўлган рақиб бундан мустаснодир.

Юқори натижаларга эришмоқчи бўлган полвон-қизларимиз бўлажак рақибларни диққат билан кузатишлари, уларнинг кураш амалларини, усулларини, ҳатти-харакатларини, тайёргарлик даражасини чукур ўрганиб, таҳлил қилиб ва шу асосда бўлажак беллашувлар, учрашувлар режасини тузиб чиқишлари зарур бўлади. Бунда рақибнинг туриш ҳолатини ёқтирган ушлаш усули, амалларни, рақибга амал ўтказиш учун тайёрланиш, шунингдек, кучи, чидамлилик даражаси, чаққонлиги ва асосий кураш одати (усули) атрофлича ўрганиб чиқилади. Ана шундан кейин мураббий билан биргаликда рақибга қарши хужум, ҳимоя ва

қарши ҳужум амалларини тайёргарлик машғулотлари жараёнида тақрорланади ва амалда кўп марталаб машқ қилинади. Беллашувларни бўлажак рақибга ўхшашлиги бўлган шериклар билан ўтказиб, ўз амал ва усулларини қайта текшириб кўриш тавсия этилади.

## **КУРАШЧИ ХОТИН-+ИЗЛАРНИНГ РУҲИЙ-ИРОДАВИЙ ҲАМДА ИЛМИЙ-МАЪНАВИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИ**

Айтиш лозимки, курашчи хотин-қизларнинг иродавий тайёргарлигини ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай тайёргарликка мақсад сари қатъият билан интилевчанлик, событлик, жасулик, тиришқоқлик, мустақил ҳаракатлана билиш, ташаббускорлик сифатларини киритиш мумкин.

Иродавий сифатлар, мақсадга интилевчанлик сифатнинг барча тузилишини ўзида бирлаштиради. Иродавий сифатлар

ичида мушак ишининг шиддатли иродавий қўзғалишига кўпроқ эътибор бериш керак. Изланиш ва тадқиқотлар, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, қисқа муддатли юкланишлар иродавий сифатларга моҳият эътибори билан ҳар хил талабларни қўяди. Спортчи ўз олдига қўйган вазифаларни теран англаши, тўғри тушуниши, мураббийга ишониши, спортда юқори ғалабаларга эришиш қийинчиликларсиз амалга ошишини чуқур англаши, тайёргарлик малакасини, методикасини яхши ўзлаштириши, атрофлича билиши керак. Башарти спортчи ўз олдига қўйган вазифалани бажаришга кўзи етмаса, яъни ўзига ишончсизлик ҳиссиёти пайдо бўлса, бу нарса пировард натижада унга зиён етказиши мумкин. Хўш, бу каби ишончсизлик кайфияти ёхуд ҳиссиётларидан қандай қилиб қутилиши мумкин? +утилиш мумкинми ўзи? Ҳа, қутилиш мумкин. Мураббий машғулотлар чоғида спортчи-курашчига қўшимча жисмоний, руҳий юкланишларни тошириши, уларнинг бажарилишини қатъий назорат қилиш лозим.

Машҳур рус сакардаси Суворовнинг «Машқда оғир бўлса, жангда енгил бўлади», деб айтган гапларида буюк ва ўлмас ҳақиқат яшириниб ётганлигини асло унутманг, унутмайлик. Агар

курашчи қизларимиз машғулотлар ва беллашувларга тайёргарлик пайтида қийинчиликларни ўз зиммалариға олсалар, мушкулотлардан чўчимасалар, у ҳолда муқаррар ғалаба томон қадам ташлай бошлайдилар. Иродавий тайёргарликнинг муҳим ҳамда зарур омилларидан бири-бу спортчига қилаётган ишни, ҳаракатни тушунган, тўғри англаған, ҳис қилған ҳолда ўзини-ўзи тарбиялашдан иборат. Бунда полвон қизларимиз қуидаги жиҳатларга алоҳида эътибор беришлари лозим:

**а) ҳаётда умумий режим, тартибни сақлаш;**

**б) ўзини-ўзи ишонтира олиш, ўзини қўзғата билиш, ўзини мажбур қила олиш;**

**в) ҳиссиётларини бошқара билиш;**

**г) ўз устида доимий назорат олиб бора билиши керак;**

Маънавий ва иродавий сифатларни тарбиялаш жараёнида курашчи қизлар қуидаги усулларни амалда қўллашлари жоиз; ишонтириш, мажбурлаш, доимий қийинчиликларни ошириш ва мусобақаларда фаол иштирок этиш.

Спортчилар руҳий тайёргарлигининг тузилиши танлаган спорт тури билан бевосита боғлиқдир. Танлаган спорт тури хусусиятларига хос руҳий имкониятлар сони ва уларнинг ҳар

хиллиги, қийинчиликлари билан бир-биридан фарқ қиласи. Спорт турининг ўзига хослиги ёки спорт турининг алоҳида бўлимлари, спорт психологиясига қўйиладиган талабларида ўз изини қолдиради. Руҳий тайёргарликнинг асосий омилларидан бири кейинги бўладиган мусобақалар йўналишини илғай билиш, яъни башорат қила билиш қобилиятидир. Бундай сифатга эришмоқ учун одам руҳан ва жисмонан баркамол бўлмоғи, шунингдек, катта тажриба тўплаган бўлиши лозим. Албатта, башорат қилиш механизимининг шаклланишида доимий машқлар, беллашувлар, таҳлиллар муҳим аҳамиятга молиқдир.

Курашчи қизлар рўпарасида ҳаракат қилаётган рақибнинг ҳар бир ҳолатини кўздан қочирмасликлари, бинобарин, унинг ички руҳиятини, ички оламини англашга ҳаракат қилмоқлари лозим. Рақибнинг қайси ҳаракати ҳақиқий ва астойдил, қайси ҳаракати қалбаки эканлигини билиб, кузатиб туриши спортчига ўз вақтида ҳимояга ўтиш имкониятини белгилаб беради. Мусобақа беллашувини олиб бориш учун энг қулай йўлларни танлашдаги муҳим омиллардан бири-бу рақиб ҳаракатларини кўра билиш, кузата билиш қобилияти ҳисобланади. Бу қобилият адаптация деб аталади. Адаптациянинг икки тури мавжуд:

- а) амалга оширилаётган ҳаракатн назорат қилиш ва имконият туғилди дегунча уни тұхтатиши;**
- б) рецептор-объектни маълум нүктада ҳаракат қилишни аввалдан билиш.**

Адаптация дикқатини жамулжам қилиш, түплаш ҳам түрт турға бўлинади:

Биринчи тур - катта ҳажмдаги ички дикқатни бир ерга түплаш билан ажралиб туради.

Иккинчи тур - катта ҳажмдаги ташқи дикқатни бир ерга түплаш билан ажралиб туради. Яъни спортилар ташқи омиллар орқали маълум қарорга келишлари мумкин.

Учинчи тур - унча катта бўлмаган ҳажмда ташқи дикқатни бир ега түплаш билан ажралиб туради. Бундай дикқат бирданига бир неча объектни ёки ҳаракатни кўра билиш ва тезда маълум бир қарор ёки ҳолосага келишга ёрдам беради.

Тўртинчи тур - катта бўлмаган ҳамда ички дикқатни бир ерга түплаш билан изоҳланади.

## **КУРАШ СЕКЦИЯЛАРИНИНГ ДАСТУРИ**

Дастурда мунтазам равишда кўп йиллик ўкув тайёргарлиги ва тарбиявий ишларни аниқ режа асосида ташкил қилиш ҳамда ўтказиб туриш кўзда тутилган. Бир йиллик ўкув тренировка (тайёргарлик) жараёнини режалаштиришда кўп йиллик тажрибаларнинг кўрсатишига қараганда, амалда ишда қуидаги энг муҳим томонларга эътиборни қаратиш зарур бўлади:

- **тренировка жараёнини йил бўйи узлуксиз ташкил қилиш;**
- **ўкув-тренировка машғулотларининг олдига қўйиладиган вазифалар ўкув йилининг давр ва босқичларига қараб аниқ белгиланиши зарур.**

Спорт секцияларидағи ўкув-тайёргарлик машғулотларининг асосий шакллари: жадвал бўйича гурухларда ўтказиладиган (назарий ва амалий) машғулотлар, спорт мусобақаларида қатнашиш, машғулотни методик-услубий жиҳатдан мустаҳкам қилиш, мусобақалар натижасини таҳлил этиш, ҳакамлик ва йўриқчилик тажрибаларини ўтказиш, уй вазифаларини бажариш, шахсий режа асосида машқ қилиш.

Ўкув дастурида бошланғич ва оммавий даражага эга бўлган шуғулланувчилар учун назарий билим ҳар бир дарс бошида

сұхбат тариқасида (15-20 дақықа) күргазмали қуроллар ёки фильмлар намойиш этилади.

Бир йиллик үқув-машқ жараёни уч даврдан, яъни тайёргарлик, мусобақа ва ўтиш давларидан иборатдир.

Тайёргарлик даврининг асосий вазифалари:

- назарий билим бериш;
- шуғулланувчиларнинг умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлик даражасини яхшилаш;
- ахлоқ ва ирода сифатларини тарбиялаш;
- миллий курашнинг техник ва тактик усулларини ўрганиш;
- жисоний ва техник тайёргарлик бўйича норматив (меъёр) талабларини бажаришга тайёрлаш.

**Мусобақа даври.** Бу даврда асосий эътибор курашнинг техник ва тактик ҳаракатларини ўрганиш, такомиллаштиришга қаратиласди. Бундан ташқари, руҳий-иродавий ва жисмоний фазилатларни ривожлантириш, мусобақага қатнишиш қоида ва қонунлари, машқ ва синов беллашувлари ўтказиш кўзда тутилади. Тақвим (календар) режа бўйича мусобақаларга қатнашиш, мусобақа даврининг давомийлиги 6-7 ойни ташкил этади.

**Ўтиш даври.** Бу даврда асосий эътибор курашнинг техник ва тактик ҳаракатларини ўрганиш, такомиллаштиришга қаратилади. Руҳий-иродавий ва жисмоний фазилатларни ривожлантириш, мусобақаларга қатнашиш қоида ва қонуниятлари, машқ ва синов беллашувлари ўтказиш кўзда тутилади. Тақвим (календар) режа бўйича мусобақаларга қатнашиш, мусобақа даврининг давомийлиги 6-7 ойни ташкил қиласди.

Ўтиш даври. Фаол дам олиш, умумий жисмоний тайёргарлик даражасини сақлаб қолиш, умумий тараққий этувчи ва маҳсус машқларни бажариш, спортнинг бошқа турлари билан шуғулланиш. Бу давр давомийлиги 1,5-2 ойдан ошмайди. Секцияга янги қабул қилинган болалар, қизлар учун тренировка (машқ) даврларга бўлинмайди. Чунки уларнинг тайёргарлиги кўпинча умумий тайёргарлик хусусиятига эга бўлади.

Спорт секцияларида қуидаги ўқув хужжатлари бўлиши шарт:

- **ўқув дастури:**
- **секциянинг бир йиллик ўқув иш режаси;**
- **ҳар бир груп учун ўқув соатлари графиги, дарс жадвали;**

- ҳар ой учун дарслик иш режаси;
- спорт тадбирларининг тақвим (календар) режаси;
- юқори даражали спортчилар учун шахсий иш режаси;
- секция ишларини ҳисоблаш журнали.

Мураббий ҳар бир дарсда шуғулланувчиларнинг қатнашувини белгилаб боради. Жисмоний маданият жамоаси ва спорт клуб кенгаши секция ишини доимий равишда назорат қилиб боради. Ҳар уч ой ичида ишнинг бориши, аҳволини муҳокама қилиб туриш лозим.

Йил бўйи ўтказиладиган ўқув-машқ жараёни ўқув дастури, ўқув режаси ва ўқув соатлари графигига асосан тузилади. Иш режаси мураббий томонидан ўқув дастури, режа ва дарс соатлари графиги асосида ойма-ой ишлаб чиқилади. Иш режасида асосий машқ ҳамда вақт аниқ белгиланади.

## **КУРАШ СЕКЦИЯЛАРИ УЧУН НАМУНАВИЙ ЙИЛЛИК ИШ РЕЖАСИ**

№	<b>Машғулотнинг мазмуни</b>	<b>Ўқув йили</b>				
		<b>Биринчи (бошловчи )</b>	<b>Иккинчи (III разряд)</b>	<b>Учинчи (II разряд)</b>	<b>Тўртинч и (I разряд)</b>	<b>Бешинч и (спорт устаси)</b>
1	2	3	4	5	6	7

	<b>Назарий билим</b>					
1	Ўзбекистонда жисмоний маданият ва спорт тараққиёти	1	1	1	1	1
2	Ватанимизда ўзбек миллий курашининг тарихий тараққиёти ва ҳозирги даврдаги аҳволи	1	1	1	2	2
3	Киши организмининг тузилиши ва иш фаолияти. Жисмоний машқларнинг киши организмига таъсири	1	1	1	1	1
4	Жисмоний тарбия тизими ва унинг норматив талаблари.	1	1	1	1	1
5	Полвонларнинг гигиенаси, чиникиши.	1	1	1	1	1
6	Тиббий назорат ва ўз-ўзини назорат қилиш, шикастланиш-нинг олдини олиш. Биринчи ёрдам кўрсатиш.	1	1	1	2	3
7	Миллий кураш техника тактикаси асослари	1	2	2	3	4
8	Умумий ва маҳсус жисмоний тайёргарлик.	1	1	1	1	1
9	Ўзбек полвонининг маънавий ва иродавий қиёфаси. Психологик тайёргарлик	1	1	1	1	2
10	Ўқув-тренировка ишларини режалаштириш.	1	1	1	1	1
11	Миллий кураш қоидалари, терминларни турлаш, мусобақани ташкил қилиш ва ўтказиш.	2	2	1	2	2
12	Машғулот ўтиш жойи, уни жиҳозлаш ва спорт анжомлари. Курашчининг кийими.	2	2	1	2	2
13	Синов назорати.	1	1	1	1	1
	Жами:	14	16	18	18	20
	<b>АМАЛИЙ МАШ/УЛОТЛАР</b>					

<b>1</b>	<b>Умумий жисмоний тайёргарлик тест нормативларини топшириш</b>	<b>110</b>	<b>120</b>	<b>128</b>	<b>120</b>	<b>130</b>
<b>2</b>	<b>Максус жисмоний тайёргарлик ва спортчини курашнинг бошқа турлари билан таништириш.</b>	<b>68</b>	<b>86</b>	<b>110</b>	<b>110</b>	<b>150</b>
<b>3</b>	<b>Миллий кураш техника ва тактикасини ўрганиш, уни такомиллаштириш</b>	<b>100</b>	<b>150</b>	<b>260</b>	<b>312</b>	<b>324</b>
<b>4</b>	<b>Мусобақаларда иштирок этиш</b>	<b>Календарь режаси бўйича</b>				
<b>5</b>	<b>Ҳакам ва жўриқчилар тажрибасини ўрганиш</b>	<b>6</b>	<b>6</b>	<b>8</b>	<b>12</b>	<b>18</b>
<b>6</b>	<b>Назорат учун танланган машқлар ва синов нормативлари тести. Максус техник машқлар қабул қилиш.</b>	<b>8</b>	<b>8</b>	<b>8</b>	<b>8</b>	<b>8</b>
<b>ЖАМИ:</b>		<b>286</b>	<b>400</b>	<b>504</b>	<b>562</b>	<b>630</b>
<b>ҲАММАСИ:</b>		<b>300</b>	<b>416</b>	<b>520</b>	<b>590</b>	<b>650</b>

Кураш мусобақаларида юқори натижаларга эришмоқ учун курашчи қизлар йил бўйи мунтазам равишда аниқ мақсад сари интилиб, астойдил меҳнат қилишлари зарур. Бундай меҳнат, албатта, ҳар томонлама пухта ўйланган, илмий асосланган ва мусобақалар тақвим (каландар) режасига мос келадиган узок муддатли режалар асосида бўлмоғи керак.

Полvon қизлар мураббий билан биргаликда йил давомида қандай мусобақаларда қатнашмоқчи эканликларини аниқлаб оладилар. Ҳар бир мусобақада полvon қизлар олдида турган

вазифалар, яъни жамоа манфаати нүктаи назаридан қандай ўринларни эгаллашлари кераклиги, шунингдек, қайси оғирлик вазнида кураш тушадилар ва ким эҳтимол бўлажак рақиб эканлиги ҳам имкон даражасида аниқланади.

Кейинги йилларда ўтказилган спорт тайёргарлиги (машқлари) соҳасидаги илмий текшириш ишлари натижаси ва терма жамоалар билан ишлаш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, спорт машқларининг давомийлиги, яъни тайёргарлик камида учтўрт ой давом этиши керак. Бу муддат спорт мусобақаларининг тақвим режасига қараб тузилган машғулот цикларига бўлиниб, яъни қишда 2,5-3 ой, кейингиси - ёз ойлари бошида 1,5-2 ойни ташкил этиши мумкин. Кейинги йилларда апрел ойида Халқаро турнир ўтказилса, куз фасли аввалида, сентябр ойида Президент кубоги ёки жаҳон биринчилиги ўтказиб турилиши ҳам, албатта, ҳисобга олган ҳолда режалаштирилади.

Ҳамма мусобақалар ўтиб бўлганидан кейин бир ой (декабр) ўтиш даврига ажратилади.

Сурхондарё, +ашқадарё ва Хоразм вилоятларида тўй мавсумини ҳам ҳисобга олмасдан илож йўқ. Чунки айrim вақтларда полvonларга нуфузли беллашувлар, Халқаро турнирлар

тайёргарлиги, машғулотлар режасини аниқ бажаришга халақит бериши ҳам мумкин.

Тайёргарлик даврида-қизғин машқлар жараёнида курашчи қызларнинг асосан жисмоний тайёргарлигини ошириш, организмнинг функционал имкониятларини кенгайтириш, курашнинг янги амалларини үрганиш ва такомиллаштириш, қызларнинг кураш ҳақидаги билимини янада ошириш, шунингдек, уларда ахлоқий ва иродавий сифатларни, фазилатларни тарбиялаш масалалари ҳал қилинади.

Тайёргарлик даврида машғулотлар икки-уч марта кураш залида очик ҳавода үтказилади. Машғулотларда жисмоний тайёргарлик воситаси сифатида пойга, югуриш, гимнастик снарядларда, гир, гантел ва резиналарда машқ бажариш, түсиқлар оша югуриш, сувда сузиш, баскетбол ва футбол каби спорт турлари билан фаол шуғулланиш тавсия этилади.

Залда үтказилган машғулотларида эътиборни кўпроқ умумий тараққий эттирувчи, ривожлантирувчи ва маҳсус жисмоний машқларга қаратиш зарур. Кўзда тутилган, яъни бажарилаётган барча машқлар полвон қызларнинг жисмоний фазилатларини ривожлантириш, уларнинг маҳорат даражасини

оширишга қаратилған бўлиши керак. Айниқса, курашчи қизлар учун камчиликларни бартараф қилишга қаратилған машқлар беришга эътиборни кучайтириш лозим.

Тайёргарлик даврида асосий эътибор курашчи қизларнинг техник ва тактик тайёргарлигини такомиллаштириш, янги амалларни, комбинацияларни ўрганиш, уларни тўлиқ қўллашга ўргатишга қаратилади. Бу даврда ўқув-тайёргарлик, машқ машғулотларининг ҳажми ва шиддати ошиб боради. Бирок машқларнинг меъёрдан ошишига йўл қўймаслик тавсия қилинади.

Эрталабки жисмоний машқ машғулотларида кўпроқ югуриш машқлари билан шуғулланиш полвон қизларда чидамлиликни оширишда энг яхши восита ҳисобланишини унутмайлик.

Тайёргарлик даврида биринчи даражали, С.У.М. ва спорт усталари билан камида ҳафтасига тўрт марта машғулот ўтказилади.

Машғулотларни қуидаги тартибда ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

## ДУШАНБА

Эрталабки. Жисмоний тайёргарлик машқлари. Кураш залида ўқув тренировка машғулоти.

Кечқурун. Курш техникасини ўрганиш ва такомиллаштириш, полвон қизларнинг махсус жисмоний тайёргарлигини ошириш. Машғулот давомийлиги 2-2,5 соат. Юкланма ўрта меъёрда.

### СЕШАНБА

Очиқ ҳавода тайёргарлик машғулотлари ўтказилиб, уларда умумий жисмоний тайёргарлик (махсус гимнастик машқлар, оғирликлар ва шериклар билан бажариладиган машқлар, пойга, югуриш ва ҳ.к.)

### ЧОРШАНБА

Умумий жисмоний тайёргарлик (акробатик машқлар, футбол, баскетбол ва регби ўйинлари).

### ПАЙШАНБА

Залда ўқув-тайёргарлик машғулотида курш техникаси ва тактикасини такомиллаштириш. Ўқув-тайёргарлик беллашувлари мураббий кўрсатмасига биноан ўтказилади. Машғулот давомийлиги 2-2,5 соат, катта ҳажмдаги юкланиш.

### ЖУМА

Умумий жисмоний тайёргарлик - куч, тезкорлик ва чидамлилик фалатларини оширувчи машқларини бажариш.

## ШАНБА

Саунага тушиш, массаж (уқалаш).

## ЯКШАНБА

Фаол дам олиш, яъни оммавий спорт ўйинлари мусобақаларида қатнашиш, саёҳат, балиқ ови ва бошқалар билан шуғулланиш мумкин. Кураш тўгаракларига янгидан қатнашаётган ва III даражали спортчи қизлар учун ҳафтасига уч марта машғулот ўтказилса кифоя қиласди.

Тайёргарлик даврида спорт залида, гиламда машғулот ўтказишга ортиқча қизиқиб кетмаслик керак. Чунки бу даврда полвон жисмоний тайёргарлигининг мустаҳкам пойдевори кўйилади ва бу кейинчалик иш қобилиятигининг, курашчанликнинг юқори даражада бўлишини таъминлайди.

Тайёргарлик даврининг бошларида гиламда машқ қилиш тренировка машғулотлари учун сарф қилинган умумий вақтнинг 30 фоизини ташкил қиласди. Беллашув асосан ўрганиш ва ўргатиш тарзида олиб борилади. Кураш амалларини ўзлаштириш ва такомиллаштириш учун беллашувларнинг бир қисми

шерикларнинг кичкина қаршилиги билан бажарилади. Кейинчалик, яъни мусобақалар яқинлашуви билан тайёргарлик беллашувлари сони ва унинг давомийлиги аста-секин ошиб боради. Бунда полвон қизлар кураш техникасини ҳар хил рақиблар билан аниқ такомиллаштиришга киришадилар.

Тайёргарлик даврининг охирлариға бориб курашчи қизларнинг тайёргарлик машғулотлари ҳажми ва иш бажарыш даражаси кенг миқёсга күтарилади. Бу эса тайёргарлик машғулотлари вақтини ошириш, умумий ва маҳсус тайёргарлик машқлари сонини кўпайтириш, шунингдек, машқлар орасидаги дам олиш вақтини камайтириш ҳисобига машғулотлар шиддатини ошириш орқали амалга оширилади.

Мусобақа давридаги жуда катта ва максимал юкланмани бажариш учун курашчи қизлар ҳар томонлама чуқур тиббий кўрикдан ўтадилар. Борди-ю бирон бир аъзода шикастланиш бўлса, ўз вақтида даволанадилар.

Тайёргарлик даврининг охирида назорат учун белгиланган жисмоний тайёргарлик меъёрларини топшириш ташкил қилинади. Буни тўгарак аъзолари ўртасида мусобақа тарзида ташкил қилса ҳам бўлади.

Тайёргарлик ва мусобақа давридаги курашчи қизлар машқлари, восита ва усулларини кескин фарқлаб бўлмайди. Шунга қарамасдан, йил бўйи ўтказиладиган машқларни аниқ даврлаш ишларини яхши ташкил қилишга кўмаклашади ва полвонлар олдида турган мусобақага тайёрлашда имконият яратиб беради.

Мусобақа даврининг асосий вазифаси асосий мусобақа олдидан спортчининг машқи чаққонлик, яъни тайёргарликнинг энг юқори даражасига эришиш учун полvon қизларни руҳий-иродавий жиҳатдан ҳам тайёрлашдир.

Курашчи қизлар бир йилда 4-5 энг муҳим мусобақаларда қатнашадилар. Бинобарин, мусобақаларнинг ҳар бирида 4-5 беллашув ўтказилади. Узоқ давр мобайнида спортчига хос ҳолатни ҳар қандай полvon ҳам сақлаб қола олмаслиги турган гап. Бундай ҳоллар одатда мусобақага шошилинч равишда тайёрланиш, бир йиллик машқлар циклини бузиш, юкланмаларни асосиз суратда ошириб юбориш, тайёргарлик даврида жисмоний ва техник тайёргарлик даражасининг пастлиги ёки сустлиги оқибатида рўй беради.

Мусобақа даври машқ-машғулотларини түғри режалаштириш учун ҳар бир курашчи қизнинг олдида турган мусобақадаги имкониятларини аниқлаб ва унинг олдига қуйиладиган вазифа реал бўлгандагина белгиланган натижага эриши мумкин.

Бундан ташқари, мусобақаларга тайёргарлик кўраётган вақтда полвон қизларнинг тажрибаси, маҳорати ва бошқа хусусиятлари хисобга олинган ҳолда ишларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мусобақа даврида курашчи қизлар ўқув-машғулот йиғинида бўлмаса ёхуд қатнашмаса, ҳафталик машқ-машғулотлари умумий сони ортмайди. Балки машқларнинг мазмун ва усулларида маълум даражадаги ўзгаришлар бўлади. Асосий эътибор тайёргарлик машғулотларида - гиламда беллашувга қаратилади. Курашчи ўз севган амалларини янада мустаҳкам қарор топтиришга, яъни такомиллаштиришга барча имкониятларни сафарбар қиласи. Айниқса, эҳтимол бўлажак рақиб билан кураш тушиш режалари тузилиб, амалга оширилади. Кўпроқ ушлашиш, ташлаш, комбинация тузиш ва уларни амалда қўллаш устида фаол иш олиб боради. Машғулотлар шиддати бир мунча ошади, ҳажми эса камаяди.

Мусобақа олдиdan 12-15 кун аввал курашчи қизлар ўзаро беллашув ўтказадилар.

Мусобақа даврида одатда курашчи қизлар бир неча ўкув-тайёргарлик йиғинларида қатнашишлари мумкин. Бундай пайларда улар хизмат вазифасидан, талаба бўлишса, дарсдан озод қилинадилар. Шунинг учун бу даврда тайёргарлик машғулотлари ҳафталик тузилиши қуйидагича бўлиши тавсия этилади:

## ДУШАНБА

Спорт залида ўкув-тайёргарлик машғулотлари давомида танланган амалларни ва комбинацияларини такомиллаштиради. Олдинда турган мусобақа пайтида учрашуви мумкин бўлган рақибга қарши тактик режалар устида ишлаш машғулоти 2,5-3 соат давом этади.

Кичик юкланишда ишлайди.

## СЕШАНБА

Душанбадаги машғулот такрорланади. ўртача юкланишда ишлайди.

## ЧОРШАНБА

Асосий жисмоний фазилатларни ривожлантириш мақсадида очиқ ҳавода ўқув-тайёргарлик машғулоти ўтказилиб, унда маҳсус машқлар, бир маромда 2-3 клометр пойга-югуриш, спорт ўйини, баскетбол, футбол, орқали вазифа ҳал қилинади. машғулот 1,5-2 соат давом этади. Юкланиш ўртача бўлади.

## ПАЙШАНБА

**Эрталаб.** Гиламда назорат учрашуви: 2-3 беллашув, 5 дақиқадан бошқа-бошқа рақиблар билан.

**Кечқурун.** Гиламда назорат учрашуви: 2-3 беллашув, 10 дақиқагача ҳар хил рақиб билан, 30-40 дақиқа дам берилади. Катта юкланишда.

## ЖУМА

**Эрталаб.** Ўқув-тайёргарлик машғулоти жараёнида кузатув беллашувида аниқланган камчиликларни бартараф этиш устида ишлайди. Машғулот 1-1,5 соат давом этади. Кичик юкланишда.

**Кечқурун.** Гиламда назорат учрашуви: 2-3 беллашув, 6-10 дақиқадан, оралиқда 30 дақиқа дам берилади. Катта юкланиш.

## ШАНБА

Сауна ёки буғли ҳаммом, назарий машғулот.

## ЯКШАНБА

Фаол дам олиш, саёхат, сувда сузиш ва спорт ўйинлари (волейбол, баскетбол ёки футбол).

Ушбу келтирилган ҳафталик тайёргарлик циклининг тузилиши ўқув-тайёргарлик йиғини шароитида ва курашчи қизларнинг тайёргарлик даражасидан келиб чиқиб ўзгариши ҳам мумкин. Фақат мусобақалар эрталаб ва кечқурун ўтказилишини ҳисобга олиб, албатта, ҳафтасига бир ёки икки марта-эрталаб ва кечқурун тайёргарлик машғулотлари ўтказиб, полвон қизларни мусобақа шароитига мослаштириш зарур.

Мусобақа олдидан, яъни ҳақиқий беллашувларга уч-турт кун қолганда иш ҳажми камайтирилади. Бир-икки кун қолганда машқлар умуман тўхтатилади ва полвонларга дам берилади. Бу кунларда эрталабки гимнастика машқлари бажарилади, кўпроқ очиқ ҳавода бўлиш тавсия этилади. Шу кунлар ичida мусобақалар ҳақида гаплашишдан узоқроқ бўлиш, уларни бўлажак мусобақа ташвишларидан чалғитиб, асаб тизими қувватини сақлаб қолишга эришиш керак.

Кун режими йиғин вактида қандай бўлса, шундай ҳолида сақлаб қолингани маъқул.

Полвон қизлар вазнларини меъёрига келтиришга 10-12 кун аввал киришадилар. Суюқлик қабул қилиш қисқаради, ҳамирли овқатлар истеъмол қилиш ҳам камаяди. Бироқ овқатланиш тартиби аввалгидек сақланиб қолиши керак. Мусобақалар олдидан ҳаммомга тушиб, бирданига бир неча килограммдан вазни тушириш полвон қизлар учун заарли эканлигини ҳам унутмаслик керак.

Мусобақа тугаганидан кейин курашчи қизларга икки кундан етти кунгача дам берилади. Дам олиш муддати мусобақа жараёнида ҳар бир курашчи қизнинг қанчалик чарчаганлиги, толиққанлигига қараб белгиланади.

Мусобақалар поёнига етганидан сунг, яъни иккинчи куни одатда полвон қизлар сауна, буғли ҳаммомга тушадилар, массаж қабул қиласидар. Дам олиш кунлари эрталабки бадантарбия машқларини тўхтатмасликлари лозим.

Мусобақалардан кейин энг муҳим полвон қизларнинг мусобақаларда қатнашувини диққат билан, ҳар томонлама таҳлил қилиниб, камчилик ва хатолар аниқланиб, кейинги тайёргарлик машғулотларида уларни бартараф қилиш вазифалари белгилаб олинади.

Кейинги йилларнинг кузатишлари шуни қайта ва қайта кўрсатмоқдаки, курашчи қизлар йилнинг катта, бош мусобақаларини ўтказганларидан сўнг умуман тайёргарлик машқларини тўхтатиб қўйишади. Бу тамомила нотўғридир. Йил давомида катта ҳажмдаги жисмоний иш бажаришни тўхтатиб қўйса, унда организмда жиддий физиологик ўзгаришлар, яъни бузилишлар пайдо бўлиши мумкин. Шунинг учун ҳам аъзоларга таъсир этувчи жисмоний юкланишлар қандай тартибда оширилган бўлса, шундай тартибда аста-секин тушириладики, бу тўғри йўлдир.

Ўтиш даврида бир йиллик ўкув-тайёргарлик машғулотларининг таркибий қисми ва юкламани аста-секин пасайтириб бориб, спортчи қизлар фаол дам олишлари учун имконият яратилади. Шунингдек, янги бир йиллик тайёргарлик циклига юқори даражада киришишга тайёргарлик кўрилади.

Ўтиш даврининг муддати йил давомида 5-6 мусобоқада қатнашган полвон қизлар учун одатда 30-45 кунни ташкил этади. Агарда курашчи қизлар бирон бир жиддий жароҳат олмаган бўлса.

Ўтиш даврида гиламда тайёргарлик машғулотларини бажариш бутунлай тўхтатилиб, саёҳат, спорт ўйинлари (волейбол, баскетбол, футбол) билан шуғулланиш, сувда сузиш тавсия қилинади. Ўтиш даврида машғулотлар жуда қизиқарли, мароқли, кайфиятни баланд кўтарадиган ва чарчоққа йўл қўймайдиган бўлиш керак.

Спортчи қизлар ва мураббий бир йиллик ишларини яхши ўйлаб, ҳар томонлама тарозида тортиб баҳолашлари ва кейинги йил режаларини ана шулар асосида ишлаб чиқмоқлари, такомиллаштириш йўлларини белгилаб олмоқлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Тайёргарликнинг бир йиллик циклини икки қисмга бўлишга, яъни баҳорда ва кузда муҳим турнирларга тушишга тўғри келса, унда баҳорги цикдан, яъни мусобоқадан кейин ўтиш даври белгиланмайди. Полвон қизларга дам берилади ва янги ярим йиллик циклнинг тайёргарлик даврига киришиб кетилади. Шундай қилиб, ўтиш даври кузги мусобақа тугаши билан бошланиб, бир йиллик тайёргарлик машқлари поёнига етказилади.

Бу ўринда хulosса қилиб шуни айтиш мүмкінки, үтиш даври тайёргарликнинг муҳим халқаси ёхуд занжири бўлиб, янги тайёргарлик-машғулотлар йилида юқори натижаларга эришиш учун пухта замин ҳозирлайди.

+ўйида спорт секцияларидағи полвон қизлар гурӯҳлари учун бир йиллик ўқув соатларининг бўлиниши юзасидан намунавий жадвал берилмоқда.

### **Гурӯҳлар учун бир йиллик ўқув соатларининг бўлиниш намунаси**

Т.Т	Машғулот мазмуни	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр	Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл
I.	<i>Назарий машғулот</i>	2	2	1	1	1	1	1	1	1	1	1
II.	<i>Амалий машғулотлар</i>											
	<i>а) умумий жисмоний тайёргарлик</i>	9	9	9	9	9	9	8	8	9	11	11
	<i>б) маҳсус жисмоний тайёргарлик</i>	5	6	6	6	6	6	7	7	5	5	5
	<i>в) кураш техника ва тактикасини ўрганиш</i>	6	8	8	8	10	9	10	10	10	7	7
	<i>г) мусобақаларда катнашиш</i>	Спорт тадбирлари календар (тақвим) режаси бўйича										

	<i>д) назорат учун белгиланган талабларни бажариш</i>	3	-	3	-	-	-	-	-	-	-	2	
<b>ЖАМИ:</b>		25	25	27	24	26	25	26	26	25	26	2	

## **КУРАШ ТЕХНИКАСИНИ ЎРГАНИШ**

(Бошловчи полвон қизлар учун)

Полвонинг туриш ҳолати (якка ва рақиб билан): баланд, ўрта, паст, ўнг, чап ва бетма-бет.

Майдонда кўчиш ҳаракати (якка, жуфтликда, ушлашиб ва ушламасдан): ўнгга, чапга, олдинга, ён томонга, айланга бўйлаб изма-из кўчиш ва бошқа турлари.

Ушлашлар: кўллар билан икки ёндан, иккала елкадан, бир қўл билан енгдан, иккинчиси билан ёқадан, бир томондаги ёқа ва енгдан, енг ва тўннинг орқа ёқасидан, енгдан ва белбоғдан, орқадан, олдиндан, енгдан. Барча қайд қилинган ушлашлар ўнгақай ва чапақай бўлиши полвонга боғлиқ. Билак, бўйин ва белдан қучоқлаб ушлашлар ҳам мавжуд.

Полвонлар курашаётгандаги оралиқ масофа; узок, ўрта ва яқин.

## **КУРАШНИНГ ТЕХНИК УСУЛЛАРИ.**

### **Чалиб ташлаш:**

а) орқадан чалиш: бунда полвон рақиби желагининг енгини тирсагидан ва ёқанинг елка қисмидан (бош кўшиб) ушлайди, иккинчи ҳолатда ўнг енг ва ёқадан (бир томонлама) ушлайди. Енг ва қўлтиқ тагидан, белбоғдан, орқадан ушлаш билан ҳам бажарилади.

**Ҳимоя:** рақибга қулай ушлатмаслик, оёқни чалишдан чиқариб олиш, юзма-юз тўғри туриш.

**+арши ҳужум:** қайтариб ташлаш, ичкаридан илдириб ташлаш.

б) олдиндан чалиш, бунда рақибнинг енгидан ва ёқасидан, икки енгининг тирсак қисмидан ва енгидан, орқадан, белбоғдан ушлаб бажарилади.

**Ҳимоя:** ҳужум қилувчи оёғи устидан ҳатлаб ўтиш, бир қадам орқага ташлаб, рақиб томонга энгашилади.

**+арши хужум:** ҳужум қилаётган рақибнинг таянч оёғига **қоқма** берилади ёки **чўнқайма** усулида қайтариб ташланади.

**Эслатма:** чалишлар енгда ва полвонларнинг қулайига қараб чап ва ўнгдан бажарилиши ҳам мумкин.

**Ўрама (Пойпечак):** рақиб енгининг тирсак қисмидан, ёқасининг орқа қисмидан, енгдан, елкадан ошириб белбоғдан ушлаб бажарилади. Рақиб оёғига ўнг ёки чап оёқ билан ўрама солиб олдинга ёки орқага ташлайди.

**Химоя:** оёқни тўғрилаб, кенг қўйилади ва рақиб қўтариб олинади. Чунки рақибнинг таянч оёғи ерда бўлганда ҳужум давом этиши мумкин.

**+арши хужум:** рақиб ҳужумга ўтиши билан ичкарига бир қадам ташлаб, уни оёғи билан қўшиб қўтариб орқага ташлайди. Иккинчидан, тезлиқда рақибнинг таянч оёғининг ичидан илдириб суреб йикитади. **Чўнқаймани** ҳам бу ҳолатда қўллаш мумкин.

**Енгдан қоқма** - икки қўл билан тўннинг икки енгидан, икки ёқадан енгининг елка қисмини қўшиб ушлаб, енг ва белбоғдан ушлаб бажарилади. Бажаришнинг қулай шароити: рақиб ён томонга юрганда, оёқларни қўшша қилиб ёки югуриб кўчиш пайтларида.

**Химоя:** оёқни тизза тез букиб ўтказиб юбориши, оёқни гиламга босиб туриш ва рақиб оёғи устидан ўтказиб олиш.

**+арши хужум:** оёқни тиззадан букиб, рақиб оёғини ўтказиб юбориш, изидан қоқиш.

**Олдиндан қоқма:** икки енгининг тирсак ёки елка қисмидан, бир қўл билан енг ва ёқадан ушлаб, оёқнинг бети-тўбиқдан ва болдир, яъни тиззадан пастроқдан уриш билан амалга оширилади.

**Химоя:** оёқни тиззадан букиб, рақиб оёғини ўтказиб юборилади. **+оқма** бериладиган оёққа оғирликни ўтказиб туриш ҳисобига бажарилади.

**+арши хужум:** оёқни тиззадан букиб, рақибнинг оёғини ўтказиб юбориб, сиртидан жавоб **қоқма** урилади.

**Сиртдан ва ичкаридан қоқма:** рақиб ён томонга айланиб тез юриб оёғини чалкаштирган пайтда, ундан ташқари рақибни ёнбош ёки **учага**

тортишни кўрсатганда ҳимояланиш учун оёғини олдинга қўйган пайтларида сиртдан қоқма урилиб, қўллар юқорига силкиб, қоқмага қарши томонга ташланади.

**Ҳимоя:** рақиб оёғини ўтказиб юбориш, оғирликни қоқма ўралаётган оёқка ўтказиш ҳисобига амалга оширилади.

**+арши хужум:** олдиндан қоқма уришдагига ўхшаш бўлади.

**Ёнбош:** рақиб енгининг тагидан, желак ёқасидан, яъни бир хил ўнгай ёқа ёки ёқанинг бош орқа қисмидан ушлаб. Бундан ташқари, қўлни енг билан қўшиб ушлаб, иккинчи қўл билан белбоғнинг орқа томонидан ушлаб, рақибни ўнг ёки чап оёғи устига оғирлик марказини кўчириб, икки оёқ ёки бир оёқ олдидан ўз оёғини қўйиб кўтариб ташлайди.

**Ҳимоя:** оёқларни тиззадан букиб, ярим ўтириш ҳолатига ўтади ва рақибни ўзига тортиб олади. Бир қадам рақиб томонга ташлаб, белидан кучоқлаб, суюниб қолади. Рақиб оёғини ўтказиб юбориш ҳисобига амалга оширилади.

**+арши хужум:** рақиб томон тез қадам ташлаб, унинг узоқдаги таянч оёғига чалиб орқага ташланади. Таянч оёғининг ичкарисидан чалиб, рақиб юзига ташланади.

**Учадан ошириб ташлаш:** рақиб желаги енгининг тирсак қисмидан, иккинчи қўл билан бош орқасидан-ёқадан, қўлтиқ остида гавдадан, белбоғнинг орқа қисмидан ушлаб, учага миндириб ташлайди.

**Ҳимоя:** оёқларни тиззадан букиб, рақибга осилиб-қучоқлаб, ярим ўтириш ҳолатига ўтади. Рақибнинг учасига қўл билан таяниб туриш ва учасини ўтказиб юбориш билан амалга оширилади.

**+арши хужум:** чўнқайма усули билан орақага қайтариб ташлаш, узоқдаги оёқ ичкарисидан илдириб, юзига ташлаш ва бошқа усул ҳолатидан келиб чиқиб бажарилади.

**«Туя чил»:** рақибнинг белидан сиқиб кўтариб, таянч (ўнг ёки чап) оёғини чалиб ташланади.

**Ҳимоя:** рақибни тирсак билан түсиб, белдан қучоқлашга ўтказмасликка ҳаракат қилинади. Таянч оёқни чалишга имкон бермаслик ва рақиб оёғига ўрама (пойчечак) солиб туриш.

**+арши ҳужум:** рақибни кўтариб туриш пайтида тақимга товон билан уриб йиқитиш, ёнбош усулини қўллаб ташлаш. Оёқнинг товони ташқарисидан илдириб суриб йиқитиш ва ҳоказо.

**Илдирма:** бу усулни бажаришда бир томонлама енг ва ёқадан, енг ва бош орқа ёқадан, қўш ёқа қилиб ушлаш билан рақибни ўзига қисқа силтаб тортиб, қарши ҳаракат пайтида бир номдаги оёқнинг товонидан, тақимидан, ҳар-хил номли оёқнинг товони ва тақимидан илдириб тортиб ташлайди.

+исқа қилиб айтганда, илдирма тўрт хил усулда бажарилади.

**Ҳимоя: илдирма** берилаётган оёқни кўтариб чиқариб олиш, яъни оғирлик марказини бошқа оёққа ўтказиш ҳисобига илдирмадаги оёқни бўшатиб, чиқариб олади.

**+арши ҳужум:** оёқни бўшатиш билан рақибни ўз ҳаракат йўналиши бўйлаб қўл кучи билан бураб ташлаш.

**«Тўғанок»:** рақиб желагининг ўнг ёки чап енги ва шу томондан ёқасидан ушлаб, чап енг ва ўнг ёқа ёки унинг тескарисидан ушлаб, рақибни ўзининг ҳаракат йўналишига тескари томонга силкиб, қадам ташлашга мажбур қиласидан ҳамда қарши ҳаракат пайтида тақимнинг тагидан илдириб кўтариб, орқага итариб ташлайди.

**Ҳимоя:** оёқдан илдиришга имкон бермаслик, оёқни бўшатиб чиқариб олиш ёки оёқни тиззадан букиб, ичкарига олиб, рақиб оёғини ўтказиб юбориш.

**+арши ҳужум:** оёғи илмай кетган рақибни бураб ташлаб юбориш.

**+учоқлаб кўтариб ташлаш:** олдиндан ва енгдан бир қўлинни қўшиб белидан қучоқлаб кўтариб кўкракка чиқариб, айлантириб ташлаш. **Иккинчи тури (варианти):** кўкракка кўтариб чиқаргандаёқ бир қадам ёнга ичкарига ташлаб орқага қайтариб ташлаш.

**Ҳимоя:** Рақиб кўкрагига ёки иягига таяниб, оғирликни пастга босиш, ўрама ва оёқлари билан рақибни оёқ илдириб чиқармаслик, қўл, белбоғ, олдиндан ва орқадан ушлаб турилади.

**+арши хужум:** рақибнинг тақимиға товон билан қоқиб ташлаш. Таянч оёқ ерга тегиши билан ёнбошдан ошириб ташлаш ёки ўрама солиб қайтариб ташлаш.

**Орқадан ошириб ташлаш:** рақибни тирсагидан енг билан қўшиб, иккинчи қўл билан қўлтиқ остидан ўтказиб, белидан қучоқлаб ёки белбоғдан ушлаб, оёқлар орасига кириб, учага миндириб, айлантириб бошлайди.

**Ҳимоя:** чаноқни узоклаштириб, тиззаларини букиб, рақибнинг белидан қучоқлаб олади.

**+арши хужум:** рақиб оёғининг олдидан ёки орқа-ён томонидан чалиб, қорнига ва ёнбошига ташланади.

**Елқадан ошириб ташлаш:** бир неча усул билан бажарилади.

- а) икки енг учидан, рақибга орқа билан бурилиб ташланади.
- б) рақибнинг бир томонлама енгидан ва елкасидан ушлаб.
- в) ўнг енг ва чап ёқа, тескариси хам бўлиши мумкин.
- г) бир ёқадан силкиб елкага тортиш пайтида ёқадан ушлаб турган қўли томонидаги рақиб қўлини иккинчи қўл билан тирсагидан гавда билан қўшиб қучоқлаб кетиб ташлайди.

Бу курашнинг техник усули тик ва тиззада турган ҳолатда амалга оширилади.

**Ҳимоя:** паст туриш ҳолатида, рақиб силкиб ташлашга тайёрлаш пайтини сезиб қолганда қўл билан уни тўсиш, бурилиш томонига тизза қўйиб қолиш ва рақибга осилиб, белидан қучоқлаб қолиш.

**+арши хужум:** тизза билан тўсиб қолиш, учага олиб ташлаш. Орқадан чалиб қайтариб ташлаш.

**Норпуш** (билак чил ёки қўл чил: рақибнинг ўнг ёки чап қўлининг устидан қўл билан ўраб, тескари томондаги (узоқдаги) ёқадан ва тирсак

атрофидаги енгдан ушлаб, оёқ билан ўрама, ёнбош, ёнидан чалиб ва болдир устидан айлантириб ташлайди.

**Ҳимоя:** рақибни ўз қулайига ушлатмаслик, қўлни норпушдан чиқариб олиш.

**+арши ҳужум:** ўнгай бўш қўлтиқ тагидан қўл солиб, учадан ошириб ташлаш. Кўтариб орқага қайтариб ёки орқадан «уриб»-илдириб ташлаш.

**Белдан ошириб ташлаш:** рақиб енгининг тирсак қисмидан, бир ёқа ва бир енг қилиб ушлаган ҳолатдан тезликда унинг қўлини қўлтиққа қисиб, ичкаридан чап ёки ўнг томонга қадам ташланади. Чаноқни ўтказиб, гўё умоқон ошаётгандек, йиқма туриб айлантириб ташланади.

**Ҳимоя:** йиқилаётган томонга қарши томонга оғирликни ташлаш, қоринга йиқилади.

**+арши ҳужум:** «чўнқайма» ва «ўрок» усули билан қайтариб ташлаш.

**Бўйиндан ошириб ташлаш (мельница):** бу усулни бажаришда рақиб желагининг тирсак қисмидан енгларидан ёки ёқадан ва енгдан ушлаб, силкиб олдинга тортиш билан ўзи икки оёғи ўртасига ўнг ёки чап оёқни киритиб чўккалайди.

Рақибнинг енгидан тортиши давом этиб, оғирлик маркази билан бўйинга чиқиш тик турга бориб, тезликда энгашиб, айлантириб ташланади.

**Ҳимоя:** оёқни узатиб, қоринга ётиб олиш. Рақибни қўкрак билан суриб ташлаш.

**+арши ҳужум:** рақибни белидан ушлаб айлантириб ташланади.

**+уёма-қўлтиқ:** ҳар иккала полвон қўлларини қўлтиқ остидан ва устидан ўтказиб, белбоғнинг орқа қисмидан ёки қўлларини «қулф» ва «кишан» қилиб тутишлари ҳам мумкин. Шу ҳолатда рақибнинг белидан сиқиб-тортиб, кўтариб олинади. Болдир устидан сонга ўтиргизиб, ичкаридан ёки ташқаридан чалиб ташланади.

**Ҳимоя:** елкани рақиб кўкрагига тираб, оёқни кенгрок қўйиб, учани узоқроқ қўйиб, кўтаришга имкон бермаслик.

**+арши ҳужум:** рақиб кўтаришга ҳаракат қилаётганда ундан аввалроқ кўтариб, усулни амалга ошириш.

**«Бурама»:** рақиб желагининг иккала ёқасидан, елка қисми билан кўшиб ушланади ва олиш пайтида тез ҳаракат қилган, чаноқларини қочириб етиб келган ва югуриб келиб рақибга ҳамла қилмоқчи бўлган пайтларда уни олдинга силкиб, мувозанатдан чиқариб, қўл билан бош бураб ташланади.

**Ҳимоя:** оёқларни кенг қўйиб, рақибнинг ўзига таяна билиш.

**+арши ҳужум:** ўзини тўхтатиш билан рақиб томонидан, болдиридан илдириб ёки ёнбошга ўтиб ташлаш.

**Тизза устидан кўтариб ташлаш:** рақиб енгидан ёки ёқасидан, иккинчи қўл билан белидан қучоқлаб ёки белбоғини орқа қисмидан ушлаб, тизза ўтиргизиб, орқага қайтариб ташланади. Иккинчи тури: одатда рақиб ҳужум қилган пайтларда юқорида қайд қилинганидек, ушлашда, бир қадам олдинга-ичкарига ташланиб, рақибни тизза устида айлантириб ташланади.

**Ҳимоя:** белдан қисиб ушлашга имкон бермасдан ва рақибни тирсак билан тўсиб қолиш.

**+арши ҳужум:** рақибга юзма-юз бурилиб, оёқ билан унинг болдири ёки тақимидан илдириб, ўзини ёпиб ташлаш.

**Белдан тескари ушлаб, айлантириб ташлаш:** рақиб паст туриш ҳолатида, бирон усулни ўтказишга ҳаракат қилиб, ёни билан бурилиб, энгashiб турган ҳолатларда белидан қучоқлаб олиб, боши устидан айлантириб, ёнга-орқага томон ташланади.

**Ҳимоя:** ҳужум қилувчи оёқларига илдириб олиш, орқага керишиб, қўлларни узатиб, бош юқори кўтарилади.

**+арши ҳужум:** оёқлари билан ичкари ва ташқаридан чалиб, орқага суриб ташланади.

**Ичкаридан чалиш:** бир томонлама ёқа ва енгдан ушлаб, рақиб оёги тўбиғига ёки болдириб ичкарисидан чалиб ташлашда рақиб кўкрагидан елка билан итариб, пастга босиб, томонларга оғирлик марказини кўчириш билан

бир хил ва ҳар хил номли оёқнинг товонидан товоң ёки болдири билан илдириб, орқага суриб ташланади.

**Ҳимоя:** ҳужум қилаётган оёқни бўшатиб-чиқариб олиш, олдин оёқларини кенгроқ ва орқароқда ушлаш.

**+арши ҳужум:** узатилган оёққа қоқма бериб қайтариб ташлаш. Рақиб қўлларини силкиб тортиб олиб ёнбош солиб ташлаш.

## **МАҲОРАТЛИ КУРАШЧИ +ИЗЛАР УЧУН**

(+ўл қучи ҳисобига бажариладиган ташлашлар)

Рақибни қисиб қўйиб ва силкиб мувозанатдан чиқариш ҳисобига ташлаш - орқага, олдинга ва ён томонга.

Рақиб желаги, қўли ва гавдасидан мураккаб ушлаш, мураккаб ташлашлар.

Кўпроқ оёқ ишлатиш усулари билан ташлаш;

**Илдириб ташлаш** - пой, товоң, болдирилар билан ичкаридан, ташқаридан, ёндан ва орқадан.

**+оқма ўраб ташлаш** - оёқ олдидан, ёндан, орқадан, ичкари ва ташқаридан.

**Чалиб ташлаш** - олдиндан, орқадан ва ён томонлардан.

**Ёнбош ошириб ташлаш** - оёқлар орасидан, икки оёқ олдидан ва ёндан.

**Елкадан ошириб ташлаш:** икки енгдан ушлаб, бир томонлама ёки енгдан ушлаб, ёқа ва қўлни қўшиб ушлаб.

**Гавда оғирлик кучини қўшиб бажариладиган ташлашлар:**

- учадан, белдан ва орқадан ошириб ташлашлар. Бунда рақиб желаги, қўли ва гавдасидан ушлаб бажарилади;

- желакдан, қўлдан, белбоғ ва рақиб белидан, бўйнидан қучоқла башлашлар;

- кўтариб ташлашлар, белдан қисиб ушлаб, елкага миндириб.

**+арши ҳужумлар:** рақиб ташлашга тайёрланаётган ва бажараётган пайтда - тасодифан ҳужум қилиш. Аввал ҳимояланиб, сўнгра жавоб ҳужумига ўтиш.

## **СПОРТ УСТАЛАРИ УЧУН**

Бу гурухларнинг олдига қўйиладиган асосий вазифалар-курашчилар техник малакаларини янада такомиллаштириш ва маҳоратини ошириш; техник ва тактик маҳоратларини ҳар хил услубда кураш тутувчи ва ўзига хос қобилият эгаси бўлган полвон қизлар беллашуви ва машқ қилиши орқали ошириш; техник-тактик тайёргарликда айrim камчиликларни, руҳий-иродавий ва жисмоний тайёргарликдаги етишмовчилик, камчиликларни бартараф қила бориш.

Тезлик, куч, махсус чидамлилик ва ҳаракатлар ихчамлиги каби жисмоний фазилатларни янада ўстириб, ривожлантириб бориш.

Кураш ўтказиладиган барча катта турнирларга қатнашиб бориш, кураш мусобақаларини ташкил қилиш, ўтказиш ва ҳакамлик ишларида иштирок этиш.

## **КУРАШЧИ +ИЗЛАРГА ТАШКИЛИЙ-УСЛУБИЙ ТАВСИЯЛАР**

Миллий кураш техник усулларини ўқув-тайёргарлик, машқ даврлари учун юқорида қайд қилинган ҳажмда йилма-йил, босқичма-босқич қилиб берилади.

Дастурда миллий кураш амалиётида энг кўп учрайдиган ушлашлар, шунингдек, беллашув жараёнида ҳужум ва ҳимоя пайтида ушлаш вазиятига қараб ўзгариб туриши, яъни қўлдан, ёқадан, белбоғдан, бўйин ва белдан ушлашларнинг ўзгариб бориши тайёрғалик машғулоти жараёнида таништирилиб, ўзлаштирилиб борилади.

Курашнинг техник усуллари биринчи ва иккинчи йил шуғулланувчилар учун батафсил берилган ва кейинги йилларда улар мураккаблаштирилиб, ҳар хил вариантларда техник маҳорат такомиллаштириб борилади.

Биз курашнинг техник усуллар атамалари асосан ҳалқимиз орасида узоқ йилла давомида ишлатиб келган атамалар билан номланадиган, уларни бошловчи шуғулланувчиларга биринчи кундан сингдириб борилиши ва унинг қолиб кетган турларини топиб, бойитиб боришимиз зарур.

Ҳимоя ва қарши ҳужум техник усуллари асосан биринчи ва иккинчи ўқув йили давомида берилган бўлиб, кейинги ўқув йилларида ҳаракатлар комбинациялаштирилиб (мураккаблаш-тирилиб) ўрганилган пайтда вазиятдан келиб чиқиб, ҳимоя ва қарши ҳужум турлари ўргатилади. Бунинг учун, албатта, мураббий юқори малакали мутахасис ва касбини чуқур ўрганган бўлиши шарт.

Половонларнинг спорт маҳорати ошган сари ўрганилган техник ва тактик усулларни такомиллаштириб, мураккаблаштирилиб ўрганишини ҳисобга олиб, кейинги йиллардаги ўқув жараёнида айрим техник усуларнинг номлари кенг очиб берилмади.

Энди мураббий ва половонларнинг шахсий қобилияти, кураш услуби ва мижозлардан келиб чиқиб, иш ташкил этишларини таклиф қиласиз.

Бошловчи курашчи қизларга техник усулларни ўргатишга унинг аниқ ва тўғри бажарилишига эришиш керак.

Машғулот жараёнида курашчи қизларнинг жисмоний тайёргарлик даражасини ривожлантиришга, айниқса улар орасида орқада қолаётганликларига эътибони кучайтириш, уларга қўшимча топшириқ ҳамда вазифалар бериб туриш зарур.

Курашчи қизларни ахлоқан соф қилиб тарбиялашда яхши ташкил қилинган машғулотлар, интизом қоидаларини бажаришни қаттиқ талаб қилиш ва мураббийларнинг шахсий намунаси муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Мураббий ўзининг ўқув иш режасини тузар экан, унда шуғулланувчиларнинг ёшлиқ хусусиятларини, жисмоний ва спорт

тайёргарлик даражаси, ҳафталик машғулотлар сони, ҳар бир машғулотнинг давомийлиги, шуғулланувчи ва бошқаларни ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориши муҳим аҳамият касб этади.

Полвон қизлар катта ҳажмда иш бажаришлари натижасида чарчоқ-толиқиши бартараф қилиш мақсадида тиклаш тадбирлари ўтказилади. Булар тўрт гурӯхга бўлинади:

- педагогик;
- рухий;
- гигиеник;
- тиббий-биологик.

Курашчи қизлар учун тикланишнинг асосан педагогик усули тавсия қилинади. Бунда асосан машғулотларни ўтказиш ташкил қилинадики, унда бажариладиган иш ҳажми барча кўрсаткичлари билан шуғуланувчилар имкониятига мос ва машғулотлар орасидаги вақт чарчоқни тез ўтказиш учун етарли бўлмоғи лозим.

Тикланишни тезлатувчи ёки яхшилаш воситаларини спорт-иш фаолияти сусайган, тайёргалик, машқларда бериладиган иш ҳажмидан қийналиш бўлган вақтлардагина қўллаш лозим.

Ҳар доим тикланиш жараёнини тиббий воситалар ёрдамида ўтказиш маъқул йўлдир. Чунки сунъий тикланиш тадбирлари машқ, машғулотлар моҳиятини сусайтириши ҳам мумкин.

## **ЎТКАЗИЛАДИГАН МУСОБА+АЛАРНИНГ НИЗОМИ**

- а) Мусобақанинг низоми мусобақани ташкил қиласидиган ташкилот томонидан тузилади ва тасдиқланади;
- б) Мусобақа низомида қуйидагилар қайд этилиши лозим:
  1. Мусобақа тури
  2. Мусобақанинг мақсади ва вазифалари.
  3. +атнашувчи ташкилотлар ва жамоалар, қатнашувчи (спорт таснифи, ёши, жинси, қайси жамоадан эканлиги).

4. Мусобақа ўтказиш жойи ва вақти.
5. Мусобақа ўтказиш тартиби.
6. Мусобақада иштирок этиш шарт-шароитлари.
7. Мусобақани ўтказишга масъул ташкилот.
8. Ҳакамлар ҳайъати.
9. Беллашув вақти.
10. Мусобақада иштирок этиш учун аризалар бериш муддати.
11. Тиббий назорат ва тозаликни таъминлаш тартиби.
12. Мандат комиссиясига тавсия этиладиган хужжатлар.
13. Норозиликлар билдириш ва уларни қўриб чиқиш тартиби.
14. Мусобақа ўтказиладиган сана ва ҳар бир вазн тоифасида беллашувлар бошланиш вақти.
15. Мусобақа ғолиблари ва совриндорларини мукофотлаш тартиби.

## **МУСОБА+А ТУРЛАРИ**

1. Шахсий биринчилик.
2. Жамоа биринчилиги.
3. Шахсий ва жамоалар биринчилиги.
4. Очиқ гилам биринчилиги.
5. Мутлоқ биринчилик.
  - а) **шахсий биринчилик:** ҳар бир курашчининг беллашув натижалари ўзининг шу мусобақадаги олган ўрнини аниқлаш учун ўтказилади. Мусобақа охирида ҳар бир вазн тоифасида ғолиб ва совриндорлар аниқланади.
  - б) **жамоалар биринчилигига:** ҳар бир жамоанинг олган ўрни аниқланади.
  - в) **шахсий ва жамоалар биринчилигига** ҳар бир қатнашчининг олган ўрни ва шунга қараб ҳар бир жамоанинг олган ўрни аниқланади.
  - г) **очиқ гилам биринчилигига:** ҳар бир курашчи ўзининг спорт классификацияси, унвони ва маҳоратини ошириш учун беллашади.

д) **мутлоқ биринчиликда:** ҳар қандай курашчи вазн тоифасидан қатъий назар - Баш ҳакам рухсати билан, қатнашиш ҳуқуқига эга.

## **КУРАШ ФОРМАСИ**

1. Курашчилар кўк ёки яшил яктак ва оқ рангли иштон кийишлари шарт ва бу ҳолда биринчи чиқарилган қатнашчи кўк яктакни кияди, иккинчиси эса яшил яктакни кияди. Рангларнинг рақамлари: кўк -5-зм; яшил -4-кх.
2. Кураш формаси пахтадан тайёрланган бўлиши, мато ўта қаттиқ бўлмаслиги шарт.
3. +уидагича белгилаш рухсат беилади;
  - давлат герби (чап кўкракда, максимал ўлчами 10 x 10 см).
  - ишлаб чиқарувчининг савдо белгиси (3 x 3 см, яктакнинг олди пастки қисмида)
  - елкадаги белги (25 см. дан кўп бўлмаган, 5 см. энига).
  - тикишлар (25 x 25 см, орқа тарафда рухсат берилади, спортчининг фамилиясини жойлаштириш мумкин).
4. Яктакнинг узунлиги тиззадан 15-20 см. баландда бўлиши лозим. Яктак устидан бел атрофида икки марта ўралиб боғланган белбоғнинг тугундан учигача бўлган қисми 20 см. дан кам бўлмаслиги керак. Яктак ранглари узунлиги кўпи билан қўл тирсагидан 20-25 см. пастда бўлиши керак. +ўл ва енг ораси 8 см. бўлиши керак. Иштон узунлиги оёқ тўпигигача бўлиши керак. Оёқ ва иштон орасидаги бўшлиқ бутун узунлиги бўйича 15 см. Белбоғ 4-5 см. энига, ранги қизил бўлиши керак.
5. Курашчи аёллар яктак ичидан оқ рангли, маҳкам футболка ёки калта енгли ёқасиз кўйлак кийиб, трико ичидан бўлиши керак.
6. Агар курашчининг кийими (яктак ва иштон) талабларга жавоб бермаса, ҳакам курашчидан уни алмаштириши талаб қилиши шарт. Курашчи қўларини олдинга узатиб, ҳакамни яктак енглари белгиланган қоидаларга мос эканлигига ишонтириши шарт.

6. Ҳар икки жинсдаги курашчилар ҳам яланг оёқ курашадилар.

## **КУРАШ МУСОБА+АСИДА ИШЛАТИЛАДИГАН ИБОРАЛАР ВА ИШОРАЛАР.**

1. «**ТАЪЗИМ**»- курашчилар ўнг қўлларини чап кўксига тутган ҳолда бир-бирларига бўйин эгиб саломлашиш учун ишлатиладиган ибора.

Бу иборани ишлатганда ҳакам иккала қўлини кафтлари билан олдинга қаратган ён томонга очиб, кейин бармоқлари юқорига қараган ҳолда баланддан букиб, қўлларини ичкарига айлантириш ишорасини қиласидилар, бу вақтда иккала қўлнинг бармоқлари бир-бирига учма-уч ҳолига келиши керак.

2. «**КУРАШ**»- курашчилар бир-бировларига таъзим қилиб, саломлашгандан кейин беллашувни бошлаш учун ҳакам томонидан ишлатиладиган ибора. Ҳакам ўнг қўлини кафтлари билан ён томонга қаратган ҳолда тирсакдан бироз букиб ишора қиласиди.

3. «**ТЎХТА**»- беллашув давом этаётган вақтда беллашувни тўхтатиш учун ишлатиладиган ибора. Бу вақтда ҳакам ўнг қўлини кафти билан олдинга қаратган ҳолда (бармоқлар бир жойга жипслашган) олдинга чўзиб ишора қиласиди.

4. «**ХАЛОЛ**»- курашчилардан бирори соғ ғалаба қиласиди вақтда ишлатиладиган ибора. Ҳакам ўнг қўлини кафти билан олдинга қаратган ҳолда юқорига кўтариб (бармоқлар жипс ҳолда) ишора қиласиди.

а) икки «**ЁНБОШ**» баҳоси олса:

б) рақиб усул ишлатиб, ўзи иккала курагига йиқилса берилади.

в) рақибига «**/ИРРОМ**» берилса;

г) «**ЁНБОШ**» олган ҳолда рақибида «**ДАККИ**» бўлса;

д) рақиб 3 минут ичида гиламга чиқмаса.

5. «**ЁНБОШ**»- ҳакам қўлини кафтлари билан пастга қаратган ҳолда (бармоқлар бир жойда жипс) ён томонга чўзиб ишора қиласиди.

а) курашчилардан бирни усул қўллаб, рақибини тезлик билан бир курагига йиқитса;

б) ёки рақибиға «ДАККИ» эълон қилинса.

6. «ЧАЛА»- баҳо курашчилардан бири усул қўллаб, усулни охиригача тўлиқ бажара олмаса ишлатиладиган ибора. Бунда ҳакам қўлини кафти билан олдинга қаратган ҳолда тирсагидан букиб ишора қиласди.

а) курашчилардан бири усул қўллаб тўлиғича бажара олмаса;

б) рақибиға «ТАНБЕХ» эълон қилинганда берилади;

в) нечта «ЧАЛА» баҳоси берилишидан қатъий назар уларнинг умумий сони жамланмайди;

г) агар иккала курашчида хам бир нечтадан «ЧАЛА» бўлса, ғолиблик кўп «ЧАЛА» олган курашчига берилади.

7. «ТАНБЕХ»- биринчи огоҳлантириш, ҳамда ҳакам қўлини олдинга чўзган ҳолда бармоғи билан танбех олган курашчини кўрсатиб ишора қилиб, шу иборани ишлатади.

«ТАНБЕХ» огоҳлантириш унчалик катта бўлмаган хотоларга йўл қўйган курашчига берилади.

а) курашчи атайлаб қочаётиб, рақибга ушлаб олишга йўл қўймаса;

б) атайлаб рақибни гиламдан итариб чиқарса ёки ўзи гиламнинг хавфли майдонига чиқиб кетса;

в) атайлаб ўзининг кийимини, иштонини ҳакамнинг рухсатисиз ечиб юборса;

г) атайлаб рақибнинг иштони ёки оёқларини ушласа;

д) ушлаб олгандан кейин 20-25 секунд вақт давомида усул қўлламаса.

8. «ДАККИ»- иккинчи огоҳлантиришда ишлатиладиган ибора. Ҳакам қўлини мушт қилиб, тирсагидан букиб ишора қиласди. (+ўл бармоқлар мушт холига келган ва кафт олд томонга қараган бўлиши керак).

«ДАККИ»- «ТАНБЕХ» дан кейин иккинчи, унчалик катта бўлмаган хатога йўл қўйган курашчига эълон қилинади.

«ДАККИ» қачон бирданига берилиши мумкин:

а) курашдан бош тортиб, атайлаб тиззага кўп марта ўтиrsa;

б) ҳакамнинг буйруқларига риоя қилмаса, номаълум сўзларни гапирса ёки бақирса.

9. «**ИРРОМ**»- охирги огоҳлантиришда ишлатиладиган ибора. Ҳакам қўлини кафтлари билан пастга қаратган ҳолда ён томонга чўзиб икки-уч марта пастга силкитиб ишора қиласи.

«**ИРРОМ**»- катта хатога йўл қўйган (ёки «**ДАККИ**» жазосини олган ва кейинги пайтда унчалик катта бўлмаган ёки ўрта тоифадаги хатога йўл қўйган) курашчига эълон қилинади.

- а) беллашув давомида рақибнинг, ҳакамларнинг шаънига номаъқул сўзларни ишлатса, бақирса, ҳар хил имо-ишоралар қиласи;
- б) агар курашчи беллашув давомида рақибига била туриб жароҳат етказса, унда рақибига «**ИРРОМ**» эълон қилиниб, шикастланган курашчига «**ХАЛОЛ**» берилади.

10. «**БЕКОР**»- олишув тўхтатилгандан кейинги ҳаракатлар учун ёки бажарилган усул баҳолашга нолойиқ деб топилган вақтда ишлатиладиган ибора.

Ҳакам қўлини кафти билан ён томонга қаратган ҳолда (бармоқлари жислашган) олдинга чўзиб, икки-уч марта чапга ва ўнга ҳаракатлантириб ишора қиласи.

11. «**ТЕНГ**»- олишув тугаган вақтда курашчиларда баҳолар бўлмаган ҳолатда ишлатиладиган ибора. Ҳакам иккала қўлини кафтлари билан пастга қаратган ҳолда ён томонга чўзиб ишора қиласи.

12. «**ВА+Т**»- беллашув вақти тугаганлигини кўрсатиш учун ишлатиладиган ибора. Ҳакам иккала қўлини юқорига кўтариб кафтларини бир-бирига қадаган ҳолда билакдан қўшиб ишора қиласи.

**ИЗОХ:** ишоралар ўртадаги ҳакамнинг икки томонда турган курашчиларнинг яктадаги рангига қараб ўнг ёки чап қўл билан кўрсатилади. Ўртадаги ҳакам қўл билан ишораларни кўрсатиш билан бир вақтда гилам ўртасида тик ҳолатда ибораларни хам баланд овоз билан айтиб бориши лозим.

## **ТА+И+ЛАНГАН ҲАТТИ-ҲАРАКАТЛАР**

Кураш мусобақаларида қуйидагилар тақиқланади:

- рақибнинг иштонидан ушлаб олиш;
- рақибга шикаст етказиш ёки унинг хаётига хавф туғдириши мумкин бўлган усулларни қўллаш;
- буғиш ва оғритиш усулларини қўллаш.

## **БЕЛЛАШУВНИНГ БОШЛАНИШИ ВА ТУГАШИ**

1. Ҳар бир беллашув бошланишидан олдин уч нафар ҳакам (ўртадаги ҳакам, иккита ён ҳакам) мусобақалар ўтказиладиган майдоннинг четига биргалашиб туришади, ўнг қўлларини чап кўкракларига қўйиб, ўзларининг жойларини эгаллашдан олдин бўйин эгиб таъзим қиласидилар. Мусобақалар ўтказиладиган майдондан чиқишдан олдин ҳакамлар такороран четда йиғиладилар ва ўнг қўлларини чап кўксига қўйиб, томошобинлар кўп томонга қараб, бўйин эгиб, таъзим қиласидилар.

2. Курашчилар ҳам гиламга чиқишдан олдин ва уни тарк этишда, иш майдонига киришда ва ундан чиқишда, ҳар бир беллашувнинг бошланишида ва охирида ўнг қўлларини чап кўксига қўйиб, бўйин эгиб таъзим қиласидилар. Иш майдони олдидаги эгилишдан сўнг курашчилар махсус белгиланган жойга қадар тўғрига юришлари шарт, кейин ўнг қўлни чап кўксига қўйиб, бир-бирларига эгилиб таъзим қилишлари шарт.

3. Ҳакам беллашув натижасини эълон қилгандан сўнг курашчилар яна бир бор ўнг қўлларини чап кўксига қўйиб бир-бирларига таъзим қиласидилар ва гиламдан чиқиб кетадилар.

4. Ҳакам ва ён томондаги ҳакамлар тайёргарлик ҳолатида беллашувдан олдин, курашчилар гиламга чиқишлиаридан аввал туришлари шарт.

5. Ҳамма таъзимлар бўйин эгиш орқали бажарилади. Агар курашчилар таъзимни бажармасалар, ҳакам унинг бажарилишини талаб қилиши керак.

6. Гиламдаги ҳакамлар майдонни назорат қилар эканлар, гиламнинг усти текис, тоза, татамилар ораси тешиксизлигига, ён ҳакамлар стуллари ўз жойларида ўрнашишларига ва курашчилар белгиланган қоидалар талабларига жавоб беришларига эътибор беришлари шарт. Ҳакам гилам ўртасида вақт рўйхатга олинадиган столга қараб тик ҳолатда туриши керак.

7. Ҳакам «ТЎХТА» командасини берар экан, курашувчиларни кўриб туриши керак, агар улар командани эшитмасдан қоладиган хол келиб чиқса, ўртадаги ҳакам тезда уларга яқинлашиб, тўхтатилади.

## **СПОРТ СЕКЦИЯЛАРИ УЧУН ЗАРУРИЙ БЎЛГАН АСБОБ-АНЖОМЛАР**

Миллий кураш машғулотларини ўтказадиган жойларга қўйиладиган талаблар. Кураш майдонини жиҳозлаш, зарур асбоб ва анжомлар билан таъминлаш. Курашчининг либоси. Кураш машғулоти ўтказиладиган жойга қўйиладиган санитария-гигиеник талаблар. Халқимиз орасидаги кураш мусобақаларини ўтказиш учун жой танлаш удумлари. **Спорт асбоб ва анжомлар номи ва миқдори:**

- |  |            |
|--|------------|
| 1. Спорт заллар учун кураш гилами ва очик хавода қум, ёғоч қипиғи солинган юмшоқ аrena 10x10 м. ёки 1 . . . 9 м. айлана шаклида 1 комплект |            |
| 2. Гимнастика халқаси  | 1 дона     |
| 3. Гимнастик арқон   | 1 дона     |
| 4. Гимнастик ўтиргич (скамейка)  | 3 дона     |
| 5. Пахта тиқилган копток (1, 2, 3 кг.)   | 15 дона    |
| 6. Гантеллар (оғирлиги 2, 3, 4, 5 кг.)   | 20 дона    |
| 7. Гимнастик таёқчалар   | 20 дона    |
| 8. Штанга-тренировка учун  | 2 комплект |

## **ХУЛОСА**

Жисмоний тарбия ва спорт инсон ҳаётининг ажралмас қисмидир. Ҳақиқат саналган кўп нарсалар бир куни барбод бўлиши, ёлғонга айланиши мумкин. Бироқ спорт хақиқатдир. У асло ёлғонга айланмайди.

Чунки у минг йилларнинг синовларидан, чиғириқларидан, замонларнинг оғир имтиҳонларидан бир-бир ўтгандир. Ҳаётини, турмуш тарзини спорт билан чамбарчас боғлаган қадимги юнонлардан тортиб токи бугунги озод ўзбекларга қадар спортнинг тириклик қадар зарурат, ҳаётий эҳтиёж эканлигини англаш етишган. Шундай экан, спорт хақида беш-ўн китобда барча гапни айтиб, ёзиб тугатиб бўлмайди. Зотан, спортнинг ҳар бир тури жилд-жилд китоб бўлишга арзигуликдир.

Айтиш керакки, биргина ўзбек миллий курашининг ўзиёқ мавзу сифатида (ҳам илмий, ҳам адабий) ўнлаб олим, адибларни банд этиши мумкин. Хали ўзбек кураши илмий адабиётларда ҳам бадиий адабиётда ҳам ўзининг тўлиқ шакл-тамойилини топган эмас. Чунки унинг тарихи узоқ, томирлари бақувват ва терандир. Уни батафсил ўрганмоқ, изланмоқ ва қатъий иш олиб бориш билан англаш мумкин. Ҳозирга қадар қўлимиизда бўлган адабиётлар хали ишнинг ilk босқичида эканлигидан далолат беради. Албатта, келгуси насллар, келажакнинг истеъдодли олимлари, ижодкорлари ўзбек курашини янада чуқурроқ тадқиқ қиласидилар, уни ҳар томонлама кўзгуга солиб, унинг чироий, таровати, умумбашарий аҳамиятини кенгроқ намоён этадилар. Бунга шак-шубҳа йўқ.

Биз бу рисолада мавзу юзасидан бир қадар чекландик. Курашчи қизларимизга алоқадор бўлган ўринларга, уларга аскотадиган жиҳатларга алоҳида эътибор бердик. Зоро, бугунги ўзбек кураши ривожида, унинг олам аро довруғида ўзбек пахлавон қизларининг ҳам муносиб улушлари борлигидан асло кўз юмиб бўлмайди.

Бугунги ўзбек курашида полвон қизларнинг катта бир гуруҳи шиддатли тўлқин янглиғ ўзларини намоён этмоқдалар. Ҳали уларнинг изидан яна юзлаб, балки минглаб жисмоний бақувват қизлар етишиб чиқадилар.

Албатта, ҳар қандай иш, худди шунингдек, спорт ва жисмоний тарбия жабҳасида ҳам зарур қўлланмалар, фойдали адабиётлар керак бўлади.

Иккинчидан эса, ҳар қандай спорт тури ҳам мутасаддилар, ҳомийларнинг хайрихоҳлиги ва моддий кўмагига муҳтождир. Эътибор ва ғамхўрлик бор жойда ҳар қандай спорт тури, шунингдек, миллий кураш ҳам ривожланади. Ўзбек курашининг бугунги ривожи, дунёга довруғи мамлакат миқёсида кўрсатилаётган ғамхўрлик ва қатъият билан қилинаётган ишларнинг самарасидир.

Айтиш ўринлики, бугун спортизда ўзбек паҳлавон қизлари ўз фалабалари билан шухрат топаётган эканлар, бу ҳам қилинаётган эътиборнинг, катта ниятларнинг мевасидир. +олаверса, бу мустақилликнинг шарофати ҳамdir.

## АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т. «Ўзбекистон», 1992 йил.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Т. «Ўзбекистон», 1992 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида» ги қонуни. Т. «Ўзбекистон», 1992 йил.
4. Моломицкий Ю. Ўзбекистонда физкультура тарихи. Ўқув қўлланма. Т. «Ўқитувчи», 1969 йил.
5. Ўзбекистон халқлари тарихи, 1 жилд. , «Фан», 1992 йил.

6. Ўзбекистон тарихи ва маданияти. Т. «Ўқитувчи», 1992 йил.
7. История физической культурӯ и спорта, учебник для ИФК, М. «ФИС», 1983 год.
8. Жисмоний тарбия тарихи, Дарслик-таржима. Т. «Ўқитувчи» 1968 йил.
9. Ўзбекистон ССР тарихи. Дарслик. Т. «Фан», 1974 йил.
10. Ҳидоятов Г.А. Моя родная история. Т. «Ўқитувчи», 1990 йил.
11. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи, Т. «Меҳнат», 1992 йил.
12. Тоғаймуродов А.Р. Ўзбек миллий кураши, Т. «Ибн Сино», 1990 йил.
13. Темур тузуклари, /афур /улом нашриёти, Т. 1991 йил.
14. Раҳимов С.Р. «Абу Али ибн Сино таълим ҳақида», Т. «Ўқитувчи», 1967 йил.
15. Норқобил Жалил. «Чавандозлар ўтган бу юртда», «Спорт» газетаси, 8 январь, 1991 йил.
16. Жўраев М. «Кўпкарими ёки Кўк бўри», «Халқ сўзи» газетаси, 20 март, 1993 йил.
17. Абдумаликов Р., Эшназаров Ж., Акрамов А.К., Жисмоний маданият ва спорт тарихи, дастурнома. Т., РУММ, 1993 йил.
18. Тошпўлатов Ж.Т., Ўзбек кураши. Т. ЎзДЖТ нашриёти, 2001 йил.